

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ФАКУЛЬТЕТ
«ИҚТИСОДИЁТ» КАФЕДРАСИ**

**5230100- Иқтисодиёт таълим йўналиши IV курс 39-13 гуруҳ
талабаси**

**АБДУРАҲМОНОВ ҒОФУРЖОННИНГ
ИНВЕСТИЦИЯ БОЗОРИНИ БАҲОЛАШ ВА БАШОРАТЛАШ
(ЕНГИЛ САНОАТ ТАРМОҒИ МИСОЛИДА)**

МАВЗУСИДАГИ

БИТИРУВ-МАЛАКАВИЙ ИШИ

Ҳимоя учун қабул қилди:
“Иқтисодиёт”
кафедраси мудири и.ф.н.
доцент О.Сатторкулов
«__» _____ 2017 й.

Илмий раҳбар:
“Иқтисодиёт” кафедраси
ўқитувчиси Шоев О.Х.
“__” _____ 2017 й

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....

I БОБ. ИНВЕСТИЦИЯ БОЗОРИНИ БАҲОЛАШ ВА БАШОРАТЛАШНИНГ НАЗАРИЙ ВА МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

- 1.1. Инвестицион бозорни баҳолаш ва башорат қилиш асослари.....
- 1.2. Инвестицион фаолиятни молиялаштириш.....
- 1.3. Инвестициянинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш услублари.....

II БОБ. МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТ САНОАТ ТАРМОКЛАРИДА ИНВЕСТИЦИЯ БОЗОРИНИ БАҲОЛАШ ВА БАШОРАТЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

- 2.1. Миллий иқтисодиёт саноат тармоклари инвестицияни фаолиятнинг
хозирги ахволи тахлили.....
- 2.2. Худудлардаги инвестицион фаолиятни баҳолаш масалалари.....
- 2.3. Минтакаларда саноат корхоналарига инвестицияни жалб қилишни
баҳолаш ва такомиллаштириш йўналишлари.....

Хулоса.....

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....

КИРИШ

Битирув малакавий иш мавзусининг долзарблиги - Ўзбекистон Республикаси ўз олдида иктисодётни ривожлантириш, аҳолининг юксак турмуш даражасини таъминлаш ва кучли ижтимоий сиёсатни амалга оширишга асосланган демократик жамият куриш каби мақсадли вазифа кўяр экан, бунда иктисодиётимизда ривож топиб бораётган давлат инвестиция бозорини барпо этиш тугатилмаган қурилишларни тахлили натижалари бўйича, жами керак бўлмаган захирадаги ва ортиқча воситаларни улгуржи савдосини ташкил этиш лозим бўлади. Инвестициялар бозорини барпо этилиши турли кичик, ўрта ва йирик қурувчи пудрат ташкилотларини вужудга келишини таъминлайди. Бундан ташқари иктисодиётни таркибий ўзгартириш экспортни кенгайтириш ва импортни камайштириш имконини беради. Ҳозирги кунда инвестицияларни устивор тармоқларни ривожлантиришга йўналтирилмоқда, илғор технология ва усқуналарни келтирувчи тўғри инвестициялар мамлакат учун ўта муҳим бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун қўшма қорхоналар барпо қилиш шу билан биргаликда Ўзбекистонда бой маъдан қонларига асосланган қангли ва қора металлургия, ёқилғи-қувват, қурилиш ашёлари қабил саноат тармоқлари ривожлантириш зарур. Инвестиция бозорини ривожлантириш билан инвестицияларни жалб қилиш эса йирик нефт ва газ қонлари неғизда ёқилғи саноатини ривожлантириш, йирик иссиқлик электростанцияларини, қимё ва нефт-қимё саноати қорхоналарини қуриш ва бошқа саноат қорхоналарини ривожлантириш имқониятини беради. Мамлакатимиз иктисодиётини янада ислоҳ қилиш ва модернизациялаш, айниқса, ҳусусий секторни ривожлантирар экананмиз, инвестицион фаолиятни жадаллаштиришдаги ҳалқаро тажрибаларга суянмоғимиз лозим. Бинобарин, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамятига дадил ва нуфузли тарзда қириб бораётганлиги мамлакатнинг иктисодий-сиёсий соҳаларидаги имқониятларидан тўлиқ

фойдаланишни талаб килиши табиийдир. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримов таъкидлаганларидек: “Барчамиз бир оддий ҳақиқатни яхши англаб олишимиз даркор - инвестицияларсиз модернизация ҳам, янгилашни ҳам бўлмайди”¹. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016-йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017-йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида таъкидлаганларидек: «Мамлакатимиз ҳудудларига салмоқли инвестицияларни киритишга доир муаммоларга алоҳида эътибор қаратиш зарур. Бу борада 2016 йил якунлари бўйича иқтисодиётимизга 16,6 миллиард АҚШ доллари миқдорида ёки 2015 йилга нисбатан 9,6 фоизга кшп инвестициялар йўналтирилди. Ўзлаштирилган хорижий инвестициялар ва кредитлар ҳажми 11,3 фоизга ўсди ва 3,7 миллиард доллардан ошиб кетди. Умумий қиймати 5,2 миллиард доллар бўлган 164 та йирик инвестиция лойиҳаларни амалга ошириш якунланди.»².

Тадқиқот ишининг ўрганганлик даражаси - ҳозирги кунда инвестициялар ва инвестиция бозори, шу жумладан молиявий ва иқтисодиётга инвестицияларни жалб килиш муаммолари ечимига қаратилган ишлар каторига қуйидаги олимларни: рус олимлари С.Абрамов, В.Золотогоров, В.Ковалев, Д.Морозов, В.Черкасов, И.Балабанов, Э.Михайлова, В.Адрианова, Э.Хазанович, инглиз олимлари У.Шарп,

¹ Каримов И.А. “Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислохотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришди” Ўзбекистон республикаси президенти Ислам Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамиси мажлисидаги маърузаси

² Ш.М.Мирзиёев «Танқидий таҳлил, қатъий тартиб интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак» Ўзбекистон республикаси президенти Ш.М.Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамиси мажлисидаги маърузаси. Ҳалқ сўзи. 2017 йил 16 январь

Ж.Роберт, А.Гранберг, А.Мартенс ва бошқаларнинг илмий ишларини келтириш мумкин.

Ўзбекистонда инветициялар ва инвестиция фаолиятини молиялаштиришга бағишланган масалалар И.А.Каримов асарларида, шунингдек, А.Вахобов, Й.Абдуллаев, М.Ангелиди, М.Шарифхўжаев, Д.Ғозибеков, Н.Каримов, Х.Жамолов, Н.Хайдаров, Ф.Додиев, Н.Кўзиева, О.Собиров, Г.Б.Схомиев, К.Хошимов, А.Сиддиков, Э.Носиров, Д.Хўжамкулов ва бошқаларнинг илмий ишларида ёритилган.

Битирув малакавий ишнинг максади ва вазифалари - Ўзбекистон Республикасида инвестиция бозорини самарали ташкил этиш шарт-шароитларини, инвестиция бозорини самарадорлигини оширишнинг хориж тажрибаларини ўрганиш асосида инвестиция бозорини макбул даражада ташкил этиш орқали барқарор иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлашга қаратилган ташкилий, ҳуқуқий, иқтисодий ва молиявий масалалардаги таклифлар тизимини ишлаб чиқиш ҳамда уларни илмий жихатдан асослаб беришдан иборат. Ушбу максаддан келиб чиккан ҳолда, тадқиқотимиз олдида қуйидаги вазифалар қўйилган:

- инвестиция бозорини ташкил қилишнинг назарий ва ташкилий-ҳуқуқий асосларини тадқиқ қилиш;
- инвестиция бозорини ташкил қилишнинг хориж тажрибаларини ўрганиш;
- инвестиция бозорини ташкил қилиш механизмларидан давлат эҳтиёжларини тўлақонли қондиришда фойдаланишнинг самарадорлигини таҳлил қилиш;
- инвестиция бозорига хорижий инвестицияларини жалб қилиш ҳолатини ўрганиш ва баҳолаш;
- инвестиция бозорини самарали ташкил қилишнинг истиқболлари ва устуворликларини ўрганиш;

- изланишлар асосида инвестиция бозорини самарали ташкил қилишга қаратилган таклиф ва тавсиялар тизимини ишлаб чиқиш ва уларни илмий жихатдан асослаш.

Битирув малакавий ишнинг объекти - Ўзбекистон Республикасида инвестиция бозорини ташкил этиш жараёнлари ва асосий йўналишлари.

Битирув малакавий ишнинг предмети - Ўзбекистон Республикасида инвестиция бозорини самарали ташкил этиш билан боғлиқ ташкилий, ҳукукий ва иктисодий муносабатлар мажмуи ҳисобланади.

Битирув малакавий ишнинг назарий ва амалий аҳамияти - инвестиция бозорини баҳолаш ва башоратлашга қаратилган битирув малакавий иши ушбу йўналишдаги билимларнинг тизимлаштирилганлиги, инвестиция бозорини баҳолаш ва башоратлаш баён қилинганлиги, билан назарий аҳамиятга эгадир. Тадқиқот натижалари асосида ишлаб чиқилган таклиф ва тавсияларнинг амалиётга татбиқ этилиши мамлакатимизда иктисодиётда инвестиция бозорини муҳитининг қарор топишига, иктисодиётни модернизациялаш ва диверсификациялаш дастурларининг муваффақиятли бажарилишига хизмат қилади.

Битирув малакавий ишнинг таркибий тузилиши - битирув малакавий иши кириш, 2 та боб, хулоса, фойдаланилган рўйхатидан иборат.

I БОБ. ИНВЕСТИЦИЯ БОЗОРИНИ БАҲОЛАШ ВА БАШОРАТЛАШНИНГ НАЗАРИЙ ВА МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

1.1. Инвестицион бозорни баҳолаш ва башорат қилиш асослари

«Инвестициялар» атамаси лотин тилидаги «invest» сўзидан келиб чиқиб «қўйиш», «маблағни сафарбар этиш» маъносини беради. Инвестиция» тушунчаси бир қатор маъноларга эга бўлиб, фойда олиш мақсадида акция, облигация сотиб олиш, товар ишлаб чиқариш учун зарур бўлган реал активларни сотиб олиш ва ишлаб чиқариш учун сарфланиши тушунилади, яъни инвестициялар ҳар қандай восита бўлиб, пулнинг қийматини саклайди еки унинг қийматини кўпайтиради ва ижобий даромадлар олишни таъминлайди. Инвестиция мамлакат иқтисодиётини устириш ва ривожлантириш учун зарур бўлган механизмларни таъминлайди. Бошқача қилиб айтганда инвестициялар капитал қийматинининг ўсишини ва даромад келтиришини таъминлайди.

Капитални жойлаштириш шакллари турлича бўлиб, қатор омиллар асосида фарқланади, яъни капитал пул ва буюм кўринишдаги капиталга булинганлиги учун ушбу жиҳатлардан келиб чиккан ҳолда инвестицияларни моддий-буюмлар ва пул кўринишдаги инвестициялари турларга ажратиш мумкин.

Моддий – буюмлар кўринишдаги инвестицияларга кўрилатган ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш объектлари, машина ва ускуналар, моддий захирани кўпайтириш учун олинган товарлар тушунилади.

Пул кўринишдаги инвестицияларга инвестицияли товарларни ишлаб чиқаришни таъминлайдиган моддий – буюмлар кўринишдаги инвестицияларга йўналтирилган пул маблағларига тушунилади.

Инвестициянинг миллий даромаддаги ҳиссаси инвестиция нормаси деб аталади. Бу қуйидаги формула асосида ҳисобланади;

$$\text{ЯИН к} \frac{\text{ЯИС}}{\text{ЯММ}} \times 100$$

Бу ерда: ЯИН - ялпи инвестиция нормаси

ЯИС - ялпи инвестиция сўммаси

ЯММ - ялпи миллий даромад

Инвестиция бозори - инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш учун замин яратиб беради, бу бозор инвестиция товарлари, қурилиш материалларининг барча турлари, ишлаб чиқариш фондларининг актив қисми, инвестиция хизматларидан иборат. Асосий элементлари талаб ва таклиф рақобат ва баҳо. Инвестиция бозори тузилишига кўра 2 қисмга бўлинади:

1.Реал объектни инвестициялаш бозори.

а) тўғридан тўғри капитал маблағларни йўналтириш бозори

б) хусусийлаштирилаётган объектлар бозори

в) кучмас мулк

г) бошқа объектларни реал инвестициялаш

2.Молиявий инвестициялаш инструментлари бозори фонд бозори ва пул бозорига бўлинади.

Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш инвестицияларнинг турлари ва инвестиция бозорининг активлик даражаси унинг элементлари ўртасидаги нисбатига боғлиқ бўлади. Уларни бозор конъюктурасини ўрганиш орқали аниқланади.

Бозор шароитида инвестициялар ташкил этиш ва молиялаштириш йўналишлари Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётни баарорлаштириш корхоналар ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун бир қанча тадбирлар ва инвестиция дастурлари ва лойҳаларини ишлаб чиқиш. Ҳозирги пайтда инвестицияларнинг ташкил этиш ва молиялаштириш инвестиция сиёсатининг қўйдаги йўналишларига асосан амалга оширилмоқда.

- Ташқи иқтисодий фаолиятни янада эркинлаштириш борасида аниқ мақсадни кўзлаб сиёсат ўтказиш, товарларни экспорт қилишда ҳориж инвестициялари учун ўз даромадларидан фойдаланишларида бирмунча имтиёзлар тартибини жорий этиш.
- Ҳорижий инвестициялари асосан капитал манбаларини республика иқтисодиётига жалб этиш учун ҳуқуқий ижтимоий иқтисодий ва айниқса шарт шароитларини янада такомиллаштирди.
- Ўзбекистонга жаҳон даражасидаги техникалар олиб келадиган иқтисодиёт структураси вужудга келтиришда ёрдам берадиган ҳориж инвестицияларига нисбатан очик эшиклар сиёсати ўтказиш.

Ҳозирги шароитда республикада инвестиция базасига ривожлантириш ва чуқурлаштириш ислоҳатлар стратегияси муҳим шароити бўлиб қолди.

Ўзбекистон республикаси бир канча ривожланган мамлакатлар билан қўшма корхоналар барпо этмоқда. Хамкорликда ишлаб чиқариш маҳсулотлар ва товарлар ички бозорни таъминламоқда ва экспорт қилинмоқда.

Кўплаб мамлакатлар ҳорижий қўйилмаларни жалб этиш мақсадида имтиёзли шароитларни яратади, хусусан капиталларни сақлаш ва зарарларни қоплашни кафолатлайди, имтиёзли солиқ олишни киритади ва фойдани ҳорижга эркин ўтказишга рухсат беради, олинган даромадлар ва бошқаларни қайта инвестициялашга шароитлар яратади.

Ўзбекистон ҳам ҳорижий маблағларни жалб қилишдан мафаатдордир. Ҳозирги вақтда улар асосан халқаро ташкилотлар ва бошқа мамлакатлар ҳукуматлари кредити тарзида келмоқда. Шу билан бирга республика инвестицияларга эҳтиёж сезади, чунки кредитдан фарқли равишда инвестициялар қарздор қилиб қўймайди, балки ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва замонавийлаштиришга, илмий ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантиришга бевосита ёрдам беради.

Ўзбекистондаги бой табиий ресурслар, арзон ишчи кучи, нисбатан ривожланган инфраструктура ва ҳар томонлама барқарор вазият ҳорижий инвестициялар учун жозибали булиб ҳисобланади.

Шундай килиб, чет эл қўйилмаларининг мамлакатга олиб келиниши ва узлаштирилишини таъминлаш учун зарур булган қонуний ва иқтисодий асослар яратилди. Шу билан бирга, тадбиркорлик капитали кириб келишига тўсқинлик қилувчи бир қатор объектив ҳолатлар мавжуд. Бу аввало иқтисодиётнинг хусусий бўғини ва умуман бозор муносабатларининг кам ривожланганлиги, миллий валюта-сумнинг паст конверттацияланганлиги, халқаро иқтисодий муносабатлар бўйича малакали ходимларнинг ва республика имкониятлари ҳамда унинг шериклари туғрисидаги ахборотларнинг етишмаслигидир.

Кўриниб турибдики, юқорида айтиб ўтилган ҳолатлар инвесторларнинг ушбу мамлакатга бўлган қизиқишларини ё орттиради, ё пасайтиради. Хусусийлаштириш, валюта сиёсати дастурларининг амалга оширилишига қараб, чел эл инвестицияларининг импортига тўсқинлик қилувчи кўплаб сабаблар йўқотилмоқда ва республика иқтисодиёти таркибини қайта кўриш дастурини амалга оширишда ташқи алоқалар устунлигини тўлароқ қўллаши зарур булади.

Инвесторларни энг биринчи навбатда қўйидаги омиллар қизиқтиради: мамлакатдаги иқтисодий ва сиёсий вазият, ҳуқуқий соҳа, географик ўрин, институционал ташкилий техник соҳа ва б.

Инвестицияларни молиялаштиришнинг шарт-шароитларини ҳисобга олиб, республика ҳудудларида инвестиция ҳажмини ўстириш учун изланишларга қўйидагиларни киритиш мумкин:

- асосий ишлаб чиқариш фондларининг ресурслари ва муддатларини инобатга олган ҳолда уларни қайта ишлаб чиқариш дастурини тузиш ва амалга ошириш;

- инвестицион жараённи тартибга солишнинг мақбул механизimini танлаш;
- ўз ресурсларини топиш ва капитал қуйилмаларни молиялаштириш манбаларини оқилона нисбатини аниқлаш;
- хорижий шериклар билан алоқа ўрнатиш ва улар маблағларини минтака иқтисодиётига жалб этиш;
- капитал қуйилмалар самарадорлигини ошириш.

Инвестицияларни молиялаштириш, асосан, мамлакатдаги иқтисодий сиёсат, қонунчилик (асосан, солиқ қонунчилиги), инвестицияни жалб қилиш инфратузилмасининг ривожини, мамлакат иқтисодий аҳволи ва бошқаларга боғлиқ булади.

Инвестициядан фойдаланишда муҳим йўналиш булиб, аниқ лойиҳа ва ишлаб чиқариш ҳисобланади. Бунинг маъноси шуки, маълум бир вақт давомида бутун жамиятнинг ихтиёрида бўлган инвестицияларни тақсимлашда уларнинг устуворлиги рақобатдан ташқарида қолади. *(Корхоналар жойлашган ва лойиҳалар амалга ошириладиган ҳудудлар ривожланиши зарур, бунда улар инфраструктуралари кенгайиши, ривожланиши ва мукаммалланиши, ишлаб чиқариш соҳалари ўртасидаги мувофиқлик таъминланиши, ва меҳнат жамоаси аҳволи яхшиланиши керак).*

Ҳар бир ҳудуд учун инвестицион фаолиятнинг ҳолатини яна ҳам равшанроқ тушунишга имкон берувчи бундай ахборотнинг аналитик гуруҳларининг рўйхатини тузиш мумкин:

- мутлақ кўринишдаги асосий капиталдаги инвестициялар ва корхонанинг ўз маблағларига муносабати бўйича уларнинг таркиби;
- ҳудуднинг иқтисодий тармоғи бўйича асосий капиталга қуйилган инвестиция таркиби;
- ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш доирасидаги асосий капиталга қуйилган инвестицияларининг ўзаро муносабати;

- иқтисодий қайта шакллантириш даврида асосий капиталдаги инвестиция индекслари;
- хусусий корхоналарнинг асосий капиталдаги инвестицияси;
- давлат иқтисодий секторининг инвестицион фаолият доирасига қаратилган эътибори;
- чет эллик инвесторларнинг мутлақ кўринишдаги инвестициялари
- чет эллик инвесторларнинг иқтисодий тармоғида инвестициялари.

Тенгсизлик кўпинча ҳудудий жиҳатга эга булади. Деярли барча мамлакатларда ресурслар билан таъминланишда, даромадларда ва ўсиш суръатларида ҳудудлар ўртасида узоқ вақт мобайнида сақланиб қолувчи тафовутлар мавжуд булади.

Дастлабки шарт-шароит ҳудуд иқтисодиёти тараққиётини белгиловчи асосий омиллардан биридир. Айрим ҳудудларнинг қалоқлиги қатор омилларнинг ўзаро таъсирига, хусусан инвестицияларнинг паст даражасига боғлиқ бўлиб қолмоқда.

Ана шундай қолоқ вилоят, туманларда тенгликни тиклаш, кам таъминланган оилаларни қашшоқлик жаридан чиқариб олишда инфратузилмасига хорижий инвестицияни сарфлаш ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиши мумкин.

Инфратузилмага инвестиция ёки айрим корхоналарга ёрдам кўрсатиш мақсадида таълим учун имкониятлар ниҳоятда чекланган бўлиши мумкин.

Шунинг учун ҳудудлардаги иқтисодий ислохотларни амалга ошириш жараёнининг энг асосий қисмларидан бири ташқи иқтисодий алоқаларни кенгайтириш ва хорижий инвестицияларни жалб қилиш. Бунда булгуси инвесторларнинг ҳудудий манфаатларини куп даражада эътиборга олиш керак.

Инвестицияларни кўпроқ жалб қилиш учун эркин иқтисодий ҳудудлар яратиш лозим. Эркин иқтисодий ҳудуд- мамлакат ичидаги махсус ҳудуд бўлиб, унда чет эл сармоясини фаол жалб этиш асосида фақат экспорт товар

ва хизмат ишлаб чиқариш учун юқори самарали зарур барча шарт-шароитлар яратилади.

Жаҳон хўжалигида эркин иқтисодий ҳудудларнинг ҳозирги тарқалиш кўламида солиқ имтиёзлари жорий сармоянинг ҳудудга оқиб кириши учун асосий рағбат омил була олмайди. Бугунги кунда сармояни жалб қилиш учун сиёсий барқарорлик, инвестиция кафолатлари, инфратузилма сифати, ишчи кучининг малакаси, маъмурий тадбирларнинг соддалашиши каби омиллар, шунингдек ички бозорда нисбатан арзон кредитлар олиш имконияти муҳимдир. Шу билан бирга барча саналган устуворликлар мазкур ҳудуднинг типик хусусиятларини олдиндин белгиловчи базавий преференциялар билан уйғунлашгандагина «ишга тушади».

Эркин ҳудуднинг амал қилиш тажрибаси ва хорижий сармояни жалб қилишдаги ҳудудлараро рақобат шартларини бир хиллаштиришга олиб келади ва мана шу асосда ҳудудга инвесторлар таклиф қилинади.

Имтиёзларни тўрт асосий гуруҳи мавжуд:

- ташқи савдо имтиёзлари махсус бож тарифлари тартибини (экспорт-импорт божини камайтириш ёки бекор қилиш) киритишни ва ташқи савдо операцияларини оддий тартибда амалга оширишни назарда тутати;
- фискал имтиёзлар иқтисодий фаолиятнинг аниқ турларини солиқ билан рағбатлантириш меъёрларидан иборат. Бу имтиёзлар солиқ базаси (фойда, даромад, мол-мулк қиймати ва х.к), унинг алоҳида қисмлари, солиқ ставкалари даражаси, солиққа тортишдан доимий ёки вақтинчалик озод этиш кабиларга дахл қилиш мумкин;
- молиявий имтиёзлар субсидияларнинг турли кўринишларни ўз ичига қамрайди;
- маъмурий имтиёзларга корхоналарни рўйхатдан ўтказиш қоидалари ва хорижий фуқароларнинг келиши-кетиши тартибини соддалаштириш, шунингдек турли хизматлар кўрсатиш киради;

Санаб утилган имтиёзлар турли комбиинацияларда қўлланилиши мумкин.

Маълум бир тармоқда инвесторларни жалб қилувчи хусусиятлар куйидагилардир:

- тармоқнинг ривожланиш ҳажми ва даражаси, тармоқдаги рақобатчилик характери;
- мавжуд корхоналарнинг ривожланиши, тармоққа янги корхоналарнинг кириб келиши ва ундан чиқишидаги тусиқлар;
- янги инновация ва технологияларнинг тармоқдаги роли;
- қонунчиликка кўра тартибга солиш;
- иқтисодий тенденциялар;
- кейинги бир неча йил ичида тармоқдаги умумий сотиш ҳажмлари;
- тармоқнинг кўтилаётган ўсиши;
- тармоққа кейинги бир неча йил ичида қушилган тармоқдаги янги корхоналар сони;
- сўнгги пайтда тармоқда пайдо булган янги маҳсулотлар;
- асосий рақиблар ва уларнинг мазкур бозордаги роли;
- асосий рақиблар маҳсулотлари сотиш ҳажмидаги ўсиш тенденциялари;
- ҳар бир рақибнинг кучли ва заиф томонлари;
- асосий рақибларнинг молиявий ахволи;
- ҳар бир харидорнинг баёни;
- харидорларнинг рақиблар харидорларидан фарқ қиладиган тафсияномаси;

Тармоқда бундан олдинги йилларда давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш якунлари, яъни хусусийлаштириш, давлат тасарруфидан чиқаришнинг курсаткичлари, давлат ва нодавлат секторларидаги ишлаб чиқариш соҳадаги ўзгаришни аниқ материаллар асосида таҳлил қиламиз. Ўзбекистонда хорижий инвестициялар жалб этиш йўли билан дунёдаги энг йирик ва машхур концернлар иштирокидаги «Ўзбат», «ЎзДЭУ авто», «Зарафшон Ньюмонт» каби бир қанча катта қўшма корхоналарни барпо этиш имконини беради. Бизда қўшма корхоналарни барпо этиш устувор йўналиш деб белгиланган. Кон саноати, айниқса, олтин ва мис қазиб олиниши учун

ўрта муддатдаги прогнозлар кўп истиқболли ҳисобланади. Бу соҳадаги муваффақият тармоққа қидирувлар борасида хусусий инвестицияларнинг кириб келишига имкон берилиши учун асос сифатидаги меъёрий тизимнинг амалга оширилишига боғлиқ бўлиб, бундай тизим кон қазишнинг ишлаб чиқариш циклидаги ҳал қилувчи бўғиндан иборат бўлади, у халқаро бозорларда маъданларни ишлаб чиқарувчилар билан мулоқотни таъминлайди. Шунини таъкидлаш лозимки, инвестицион сиёсатда фақатгина бозор механизмига таяниб иш тутиш мумкин эмас. Чунки у иқтисодийнинг тармоқларига турлича таъсир кўрсатади. Бир қатор тармоқларни қисман бозор таъсиридан ҳимоя қилиш зарур бўлади (масалан, геология - қидирув ишлари, қазилма саноати). Айрим тармоқлар капитал қўйилмалар самарадорлигини узоқ муддат ўтгандан сунг қайтариши мумкин. Баъзиларини эса хусусий капитал асосида ривожлантириб бўлмайди (масалан, космик тадқиқотлар).

Иқтисодий ўсишга эришиш учун нафақат инвестиция ҳажмини купайтириш, балки улар йўналишини ва таркибини тугри танлаш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Инвестициялаш учун шундай ишлаб чиқариш турлари ва корхоналарни танлаш зарурки, улар тезда ўзини қоплаб, юқори даражада иқтисодий ва технологик самара бера олиши лозим. Бундай ҳолатда инвестициянинг тезда қайтарилиши ва қанчалик самарадорлиги муҳим аҳамият касб этади. Бу инвестицион жараёнини жонлантириш учун туртки бериш, кейинчалик эса инвестициялаш учун афзал тармоқлар ва хўжалик юритиш субъектларини танлашга имконият яратиб беради. Инвестициянинг қисқа муддатли сиёсати иқтисодий ўсишни таъминловчи тармоқлар ва корхоналар аҳамиятини ҳисобга олиб, узоқ муддатга мўлжалланган стратегияга эга бўлиши лозим. Тармоқлар учта асосий гуруҳи: экспортга лаёқатли қазилма саноат, илмий-техник имкониятларига эга, эскирган ва ҳали техник такомиллашмаган тармоқларга бўлинади.

Собиқ Иттифоқ даврида, яъни иқтисодиёт марказдан режалаштириш вақтида корхоналар ўз инвестиция стратегиясини амалга ошириш учун бўш пул ресурсларига эга эмас эди. Яратилган марказлашган манбалардан давлат уларни ривожлантириш ва қайта жиҳозлаш учун капитал маблағ ажратар эди. Шу боис корхоналар инвестиция фаолиятига интилмас эди.

Ўзбекистон Республикаси эса иқтисодий ислохотларни ўтказиш бориб, халқаро меҳнат тақсимооти қўлайликларидан кўпроқ фойдаланишга интилмоқда, хорижий тадбиркорлар учун қўлай инвестиция муҳитини яратиш бермоқда.

Инвесторларни қизиқтирувчи корхонанинг асосий кўрсаткичлари қўйидагилардан иборат:

- корхоналар активлари ва пасивлари таркиби;
- ўз маблағлари ва қарз олинган сармоялар улуши;
- активларнинг муомалада бўлиши тезлиги;
- барча активлар ва сотилган маҳсулотнинг рентабеллиги;
- мулкдорлар ихтиёрида қоладиган соф фойда;
- агар бу акционерлик жамияти ёки компания бўлса-тўланган дивидентлар улуши ва бошқалар.

Инвесторларни қизиқтирувчи яна бир нарса-бу корхонанинг бизнес режасидир. Агар корхона инвесторни қизиқтира олишга қодир булган кириш қисмини яхшилаб ёзса, унда ишнинг ярми бажарилди деса булади. Бу қисм инвестор учун муҳимдир, чунки талаб этилаётган инвестиция ҳажмини белгилаш учун бутун режани тўла ўқиш унинг учун шарт эмас.

Ҳозирги кунда қўшма корхоналар, барпо қилиш сабабларининг уч туркумини ажратиш кўрсатиш мумкин: ички, ташқи ва стратегик. Ички сабаблар таваккалчилик ва ҳаражатларни биргаликда кўтаришни, инновация учун қўлай тартиб бунёд этишни ҳамда хом ашё ресурсларидан фойдаланиш осонлаштиришни кўзда тутди. Ташқи сабаблар-сиёсий кескинликни юмшатиш ҳамда трансмиллий рақобатга қарши кураш. Бундан ташқари,

қўшма корхоналар компанияларнинг стратегик вазифаларини ҳал қилишда воситачи ҳам бўлиши мумкин, масалан, диверсификацияни кенгайтиришда.

Инвестиция жалб қилиш кичик ва хусусий бизнес корхоналарининг энг муҳим муаммоларидан биридир. Бозор иқтисодиёти шароитида бу корхоналарнинг тараккий этиши учун маҳсулот сифатини яхшилаш, таннархини арзонлаштириш, рақобатдош янги товарлар ишлаб чиқариш зарур. Бу муаммони эса тегишли инвестицияни жалб этмасдан ҳал этиш мумкин эмас.

Ҳозирги иқтисодий шароитда корхонанинг ички маблағлари иқтисодий ўсишни таъминлай олмайди:

Биринчидан, бу маблағлар инвестицион дастурлар учун жуда кам, аммо имкониятлар катта, бу эса ўз навбатида умумиқтисодий ўсишнинг чузилишга олиб келади;

Иккинчидан, корхона ички маблағининг капитал куйилмалари молиялаштириш учун ишлатилиши ресурсларнинг иқтисодиёт тармоқларига оқиб ўтишни қийинлаштирилади.

Ўзбекистон иқтисодиёт тобора ривожланиб, ижобий томонга ўзгариб борапти. Корхоналар инвестициялар қайси манбалар ҳисобига молиялаштириш устида бош қотиришларига зарурият пайдо булмокда. Бу эса кўпгина муҳим омилларни ҳисобга олишни тақозо этади. Иқтисодий омиллар (мблағлар олиш имконияти ва вақти, солиқлар олиниши ҳисоби билан молиялаш манбасининг суммаси, инвестицион лойиҳани амалга ошириш билан даромад миқдори, молиялаштириш манбасининг корхоналар барқарорлиги ва қувватлилигига таъсири ва хоказолар) ва корхона раҳбарияти, ҳиссадорлик ва кредиторлар манфаатлари ўртасида вужудга келадиган низо омиллари шулар жумласидандир.

Инвестиция фаолиятининг ривожи учун мазкур омиллар таҳлилини амалга ошириш лозим булади. Бу таҳлил маблағлари йўналишининг энг

мақбул усулини танлаш ва келажакда ҳар бир ҳудудга мос келадиган инвестиция сиёсатини белгилаш имкониятини беради.

Шуни таъкидлаш лозимки, инвестицион сиёсатда фақатгина бозор механизмига таяниб иш тутиш мумкин эмас. Чунки у иқтисодиётнинг тармоқларига турлича таъсир курсатади.

1.2. Инвестицион фаолиятни молиялаштириш

Бозор иқтисодиёти шароитида корхоналарнинг асосий ва айланма ишлаб чиқариш фондларига инвестицияларни молиялаштиришнинг ўзига хос манбалари шакллантирилган бўлиб бундай манбалари корхоналарнинг ўз ўзини молиялаштириш тамойилларига асосланган ҳолда қўйидаги манбалари мавжуддир:

1. Корхона ва жисмоний шахслар жамғармалари;
2. Банк кредитлари ҳисобига молияштириладиган инвестициялар
3. Ҳорижий инвестициялар
4. Давлат бюджети ва бюджетдан ташқари фондлар маблағлари ҳисобига молиялаштириладиган инвестициялар.

Монетар сиёсат кўчайтирилиши корхоналар молиявий аҳволининг барқарор эмаслиги корхона ва жисмоний шахслар маблағларидан молиялаштириладиган инвестицион лойиҳаларнинг ҳажмига ўз таъсирини кўрсатади.

Инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришга ва корхоналар учун самарали бўлишига иқтисодий инфратузилманинг марказий буғини молиявий механизмнинг таркибий қисми бўлган солиқлар механизми ҳисобланади. Чунки солиқлар ҳам ҳар бир корхона миқёсида тузилган инвестицион лойиҳаларнинг иқтисодий самараси тақдирини ҳал қилишда асосий ўринни эгаллайди.

Ўзбекистонда ҳам инвестицион лойиҳаларни тузишда ва молиялаштириш учун қўлай инвестиция муҳитни яратиш бўйича изчил чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоқда. Уларнинг негизида иккита асосий омил ётади:

- иқтисодий барқарорлик;
- инфляция жараёнларини тартибга солиш ва миллий валюта - сўмнинг тўлов қобилиятини оширишга йўналтирилган макроиқтисодий сиёсат;

Ҳозирги пайтда Ўзбекистон Республикасида қўлай инвестиция лойиҳаларини тузиш ва уларни молиялаштириш бўйича қўйидаги омиллар мавжуд:

- инвестицион лойиҳалар билан шуғулланувчи шахсларни рағбатлантириш;
- саноатнинг устувор соҳалари, ёкилғи, энергетика мажмуалари бўйича инвестицион лойиҳалар тузишни жадаллаштириш;
- халқ хўжалигида илм фанга талаб кучли тармоқларида ишлаб турган қувватларни янгилаш ва янгиларини барпо этиш бўйича интеллектуал инвестицион лойиҳаларни амалга киритилиши;

Инвестициялашда айланма капиталга устиворлик берилишини фақат капиталнинг таркибий тузилиши билан тушунтириш озлик қилади. Гап шундаки, дастлабки капитал жамғариш даврида пулни тез тўплаш учун уни капитал айланмай тез бўладиган соҳаларга жойлаштирилиши юз беради, чунки бу билан юқори фойда нормаси юзага келади. Фойда нормаси юқори жойда эса, уни капиталлаштириш имкони катта бўлади. Бу омил ҳам хусусий секторда пулни айланма капиталига айлантириш учун рағбат яратади.

Пулнинг айланма капиталга инвестициялашни инфляциядек омил ҳам юзага келтиради. Инфляция шароитида айланма капиталнинг тез қадрсизланиши юз беради, чунки айланма маблағлари бирлигига олиш мумкин бўлган ашёвий ресурслар, энергия омилларининг миқдори камаёди.

Бундан айланма маблағларнинг моддий эквивалентининг пасайиши келиб чиқади. Айланма маблағларнинг қадрсизланиш шиддати ресурс нархларининг ўсишига боғлиқ. Айниқса, бу баланслашмаган инфляция шароитида яққол кузатилади. Бундай инфляция Ўзбекистонда ҳам мавжуд бўлиб, у турли ресурслар нархининг нотекис ўсишида, ресурс нархига нисбатан ундан ҳосил этилган товарлар нархининг секинроқ ўсишида акс этади. Нодавлат секторида ишлатиладиган ресурслар бозори бир қадар монополлашган бўлса, бу ерда яратилган товар ва хизматлар бозори эркин. Шу сабабли нарх борасида юқорида айтилган ҳодиса келиб чиқади.

Хуллас, айланма маблағларининг қадрсизланиши уларни инвестиция ҳисобидан тўлдириб боришни талаб қилади. Молиявий ресурсларни айланма капитали томон оқиб бориши ўз-ўзини молиялаштиришга ҳам таъсир этмай қолмайди. Буни инвестицияларни молиялаштириш манбаларидан кўриш мумкин. Маълумки, инфляция шароитида кредит беришдан уни олиш қулай бўлади, чунки қарзни қадрсизланган пул билан қайтариш қарздор учун наф келтиради. 1999-2003 йилларда кредит учун белгиланган фоиз ставкасининг ўсиши нархларнинг ўсишидан орқада қолди. Бу ҳолат кредитни ғоят арзон қилиб қўйди. Натижада ўз молиявий ресурсини инвестициялашдан кўра қарз кўтариб инвестициялаш қулай бўлди. Нодавлат корхоналари ҳам шу йўлда айланма капиталини тўлдириб турдилар, натижада тақсимланмай қолган фойдани истеъмолга сарфлаш имкони пайдо бўлди, хусусий уй-жой қурилиши авжига чиқди. Бунга юксак истеъмолни кўз-кўз қилишдан иборат миллий менталитет ҳам ўз ҳиссасини қўшди. Асосий капиталнинг эскириши капитал инвестицияга заруратни келтириб чиқаради, аммо бу нодавлат корхоналарининг ўзи ҳисобидан инвестициялаш имкониятларини чекланганлигига бориб тақалади. Уларнинг инвестицияларга талаби молиявий ҳолатига ва хориж инвестицияларини жалб этиш имкониятларига боғлиқ. Молиявий бақувват нодавлат корхоналари, айниқса, ҳиссадорлик кор-хоналари сонини қисқариши ўз-ўзини молиялаштиришни чеклаб қўйди.

Шу сабабли инвестицияларни корхона маблағи ҳисобидан молиялаштириш асосан қўшма корхоналар ҳисобидан юз беради.

Бозор талабларига биноан тежамли хўжалик юрита билмаслик таннархни ортишига олиб келади, бу нарх ўзгармаган шароитда, ҳам зарарга олиб келади. Аммо ҳозирги ўтиш даврида хўжаликдан ташқарида бўлган омиллар таъсири ғоят кучли. Бу баланслашмаган инфляция шароитида давлат ҳарид нархининг мавжудлигидир. Бу нарх асосий маҳсулотлар (пахта, ғалла, пилла) га тааллуқли бўлиб, унинг даражаси ресурслар нархига мутаносиб равишда ўзгармайди. Натижада бу нархлар «қайчиси» пайдо бўлиб, бу ширкат хўжаликларини рентабел ишлашига йўл бермайди. Давлат нархлари амалда монопсония нархлари, яъни ҳариддорнинг бирёқлама манфаатидан келиб чиққан ҳолда белгиланадиган нарх бўлади. У бозорни монополлашганлигини билдиради. Ширкатлар табиатан тарқоқ ва эркин хўжалик лекин улар эркин бозорга ишлай олмайди. Бу зиддият уларни молиявий тангликка маҳкум этади. Бозорда давлат монополиясининг сақланиши монопсония йўқ шароитда ҳам сезилиб туради. Буни хусусан озиқ-овқатдан иборат ширкат, фермер ва деҳқон хўжалик маҳсулоти нархини саноат нархига нисбатан секин ўсишида, нархининг паритетида кўриш мумкин. Деҳқонлар маҳсулотининг айирбошланиш эквивалентининг пасайиши туфайли улар фойдани кам кўради, ёки уни умуман олмайди. Бу албатта, инвестицияларни ўз маблағи ҳисобидан таъминлаш имконини чеклаб қўяди.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётига инвестицияларни инвестицион лойиҳалар асосида жалб этиш кўп жиҳатдан турли хил инвестиция муассасалари фаолиятининг авж олишига, қимматли қоғозлар бозори ташкил топиши, инфляция жараёнлари пасайиши ва ишлаб чиқаришнинг барқарорлашишига боғлиқдир.

Мамлакатимиз инвестицион лойиҳаларини молиялаштириш ва рағбатлантириш бевосита қўйидаги масалаларни ҳал этишга ёрдам беради:

- республика иқтисодиётига янги замонавий техника ва технологияларни жалб қилиш, уларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш, бир неча йиллар давомида сифатсиз, ҳаридор талабига жавоб бера олмайдиган маҳсулот ишлаб чиқарувчи эски техникалардан тезроқ қутилиш;
- янги иш жойларини ташкил қилиш ва аҳолининг ишсиз қисмини иш билан таъминлаш, шу билан бирга, хорижнинг илғор бошқариш тажрибасини жорий этиш ва шу орқали меҳнат унумдорлигини ошириш;
- жаҳон бозори талабларига мос сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва уларни экспорт қилиш эвазига мамлакатга эркин муомаладаги валюталарнинг кўпроқ кириб келишини таъминлаш.

Давлатимиз томонидан инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш ҳар тамонлама қўллаб-қувватланиб келмоқда. Ҳозирги даврда инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришнинг аксарият қисми хорижий инвесторларнинг манбаларига тўғри келади. Ривожланган мамлакатларда чет эл инвестицияларини молиялаштириш манбаларининг 50-60 фоизини ташкил этишини инобатга олсак, ҳозирги пайтда мамлакатимизга чет эл инвестицияларини кўпроқ жалб қилиш ва улар иштирокида қўшма корхоналар ташкил қилиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Иқтисодиётни янада эркинлаштирилиши ислохотлар ҳозирги босқичнинг бош стратегик йўналишига айланиб бормоқда. Бу иқтисодиёт субъектлари бўлмиш корхона, хўжалик ва ташкилотларнинг тўла-тукис мустақил бўлишини, ўз фаолиятини бозор талабларига биноан ташкил этишлариини тақозо этади. Эркинликнинг муҳим талаби ўз-ўзини молиялаштириш принципига изчил амал қилиш, яъни ҳар бир хўжалик субъекти ўз харажатларини ўз даромадлари билан қоплашидир. Бу молиялаштириш тор маънода корхонанинг ички маблағи ҳисобидан, кенг маънода кредит ҳисобидан ҳам амалга оширилиши мумкин.

Инвестицион лойиҳаларни ўз маблағлари ҳисобидан молиялаштириш бу ички манбаи, яъни тақсимланган фойда ва амортизация ажратмасидир. Бу

ерда инвестицион лойиҳаларни молиялашнинг ички имкони 3 нарса билан чегараланади:

Биринчиси, нодавлат корхоналарнинг кўплигини, айниқса аграр соҳада норентабеллик, қолганларида рентабелликнинг паст бўлиши, фойдани қайта молиялаштиришга имкониятини камайтиради.

Иккинчиси, нодавлат секторда амортизацияга инвестицион лойиҳаларни молиялашга маблағ ажратиш имкони кам. Кўпгина корхоналарда асосий фондлар тузиб бўлганига қарамай, амортизация ажратмалари етарли эмас. Бунинг устига, нодавлат секторидаги кичик корхоналарда, якка тартибда ишлаш сермехнат бўлганидан асосий фондлар ғоят кичик, амортизацияга ажратма эса жиддий инвестицион манба бўла олмайди.

Учинчиси, акциядорлик корхоналарида фойдани дивиденд учун ажратиш зарурати унинг тақсимланмаган қисмини қисқартириб, уни қайта молиялаштиришни чеклайди. Бу ерда акциядорларнинг дивиденд олиш иштиёқи билан келажакни кўзлаб тақсимланмаган фойдани кўпайтириш ўртасида зиддият бор. Шу боис, кўп ҳолларда фойдани қайта молиялаштириш дивиденд беришдан воз кечиш ҳисобидан бўлади. Айтилган омиллар таъсирида ички молиявий инвестициялар ҳиссасининг камайиб бориши юз бермоқда.

Ўз ўзини молиялаштириш манбалари билангина эмас, балки корхона маблағини нимага инвестициялаши билан ҳам фарқланади. Инвестицион лойиҳалар турли йўналишда кечадики, улар фирмалар ва деҳқон хўжалиги маблағларидан иборатдир. Бу оқимларни таъминловчи молиявий ресурслар турлича, улар ўз маблағлари ва банк кредитларидан иборат, лекин уларга мурожаат этиш бир хил эмас. Бу инвестицион лойиҳанинг молиявий аҳволи билан изоҳланади, аммо уларнинг инвестицион лойиҳага талаби ихтиёридаги асосий маблағларига боғлиқ.

Нодавлат секторида инвестицион лойиҳаларни чекловчи яна бир омил бу - инвестицион ресурслар етишмаслигидир. Хорижий инвестицион ресурслар талаб қилинмаган шароитда эса молиявий инвестицияни ташки омил чекламайди, чунки унинг эквиваленти бўлмиш ички ресурслар мавжуд бўлади. Бу ердаги чекловчи омил корхонанинг молиявий ҳолатидир. Шу сабабли инвестицион лойиҳаларни молиявий соғломлаштиришни ўз ҳисобидан молиялаштиришга йўл очади.

Ўзини ўзи молиялаштиришнинг асосий манбаи фойда ва амортизация ҳисобланади. Аммо корхонага тегадиган фойда улардан ундириладиган солиқ юкига боғлиқдир, бу юк қанчалик оғир бўлса, шунчалик соф фойда миқдори камаяди, унинг ялпи фойдадаги улуши қисқаради. Фойда кўрган нодавлат корхоналарида унинг катта қисмининг солиқ сифатида бюджетга ўтиши юз беради. Бу албатта давлатнинг инвестицияларини молиялаш имконини кенгайтиради, аммо корхоналарни ўзини ўзи молиялаш имконини қисқартириш ҳисобидан юз беради.

Ўзини ўзи молиялаштириш имкони бор жойда ҳам инвестицияларда деформациялар юз бермоқда. Буни инвестицион лойиҳаларни корхоналар ўзининг молиявий манбаларидан қатъий назар ноишлаб чиқариш томон ва энг аввал уй жой қурилиши томон оғиб боришини кўрсатади. Бундай ҳодисалар давлат секторларида ҳам нодавлат секторларида ҳам юз бермоқда.

Ишлаб чиқаришдаги инвестицион лойиҳалар фақатгина иқтисодий ўсишни таъминлабгина қолмай, балки меҳнатга лаёқатли аҳоли бандлигини ошириш, унинг даромади ошувини таъминлаш каби ижтимоий муаммоларнинг ечимига хизмат қилиши турган гап.

Лойиҳавий молиялаштириш – бу банк кредитлашининг бир тури бўлиб, инвестицион лойиҳаларни кредитлашда кредитор қисман ёки тўлиқ мажбуриятни (хатарни) ҳам ўз бўйнига олади. Лойиҳаларни тузишда бевосита махсус компаниялар иштирок этади.

Оддий кредит операцияларида банк мижознинг тўлов қуввати, лойиҳавий ҳолати билан қизиқса, лойиҳавий молиялаштиришда асосий диққат лойиҳавий таҳлилга қаратилади. Бунинг учун лойиҳанинг таъсирчанлик даражасини баҳолаш, «зарарсизлик нуқта» сени белгиланиши ва бошқача усулларида фойдаланилади. Лойиҳавий молиялаштиришда риск даражаси юқорилигини ҳисобга олиб, кредиторлар инвестицион лойиҳаларни амалга оширишда амал қилувчи хатарларни бошқаришни энг фойдали бўлишини таъминлашга ҳаракат қилади.

Хатарни камайтиришнинг анъанавий усулларида ташқари, инфестицион лойиҳалар амалга оширишдаги иштирокчиларга уни тақсимлаш усуллари ҳам қўлланилади. Инвестицион лойиҳаларни амалга оширишдаги хатарларни кредитор ва қарз олувчи ўртасида тақсимлашда лойиҳани молиялаштириш қўйидагича таснифланиши мумкин:

1. Лойиҳани молиялаштиришдаги кредиторнинг қарздорга нисбатан ҳуқуқсизлиги;
2. Чегараланган миқдорда лойиҳани молиялаштириш ;
3. Тўлиқ миқдорда лойиҳани молиялаштириш.

Лойиҳани молиялаштириш банк-кредитор учун юқори хатарли даражада характерланса, таваккалчиликнинг молиялаштириш билан ўхшашлик томонлари бор.

Таваккалчилик молиялаштириш таваккал бизнес фондлари орқали таъминланади, бу фондлар юқори хатардаги фаолиятни маблағ билан таъминлаш учун ташкил этилади. Қоидага кўра бу лойиҳалар асосан янги технология ва маҳсулотлар устидаги изланишлардан иборат.

Лойиҳавий молиялаштиришнинг турли технологиялардан фойдаланиб, анъанавий маҳсулотларни етиштиришда фойдаланилса (нефть, олтин, энергетика) Таваккалчиликнинг молиялаштиришда зарар қисми ўз-ўзидан катта бўлади.

Иқтисодиётнинг оғир саноат тармоқларига лойиҳавий молиялаштириш орқали банк капитали оқиб киришини рағбатлантириш мақсадида ҳукумат туғридан-туғри ёки айланма туртки бериши мумкин. Хусусан кафолат бериш ва бошқалар.

Кредитор учун лойиҳавий молиялаштириш юқори хатар билан боғлиқ бўлишини ҳисобга олганда, асосий эътибор лойиҳани пухталиқ захирасини юқорироқ баҳолашга қаратилади. У қарзни қоплаш коэффиценти билан белгиланади. Лойиҳадан кўтиლაётган соф фойда суммасининг кредит қарздорлиги бўйича тўлов (режалаштирилган)га алоқаси билан топилади. Ҳар қандай ҳолатда DCR 1дан кичик бўлмайди. Жаҳон амалиётида олдинги йиллардаги бу кўрсаткичнинг энг паст даражаси этиб **2:1 (200%)**. Бугунги кунга келиб жаҳон бозоридаги ЛК борасидаги ўткир рақобат бу коэффицентни 1,3:1 (13%) туширди. Албатта кредитнинг қайтарилиш тартиби сингари ЛМ даги кредитларни узишда DP (deficated porcentage) каби усуллардан ҳам фойдаланилади. Унга кўра банк нақд пул олишига фоиз белгилаш асосида қарзни узишга имкон беради. DP DCR даражасига кўра белгиланади. DCR коэффиценти 1га тушиши DP ни 100% чиқишига сабаб бўлади.

Лойиҳавий молиялаштиришнинг молиявий чизмасини 2га ажратиш мумкин: 1) лойиҳаларни параллель молиялаштириш 2) лойиҳаларни изчил молиялаштириш.

1) 1-чи тури қўшма молиялаштириш деб ҳам юритилади. Кредит ташкилотлари лойиҳавий молиялаштиришни амалга ошириши учун заёмларни бир нечта кредиторлар ўртасида бўлиб олиши мумкин. Бунда инвестицион лойиҳалар йирик капитал сиғимга эга бўлиб бундай лойиҳаларни бир банк молиялаштириш имкониятларига эга бўлмайди ва хатар даражаси ўта юқори бўлади. Шунинг учун бундай лойиҳалар бир нечта банклар ёки кредиторларнинг ўзаро келишувлари асосида молиялаштирилади. Бундай лойиҳаларни молиялаштириш

синдикатлаштирилган молиялаштириш деб ҳам юритилади ёки турли хил концорциумларни ташкил қилиш воситасида молиялаштириш амалга оширилади.

2) Лойиҳаларни молиялаштиришнинг изчил турида йирик банклар бош ташабускор бўлиб хизмат қилади.

1.3. Инвестициянинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш услублари

Инвестицион ҳарактердаги бошқарув қарорларини қабул қилиш жараёнининг асосида кўтилаётган инвестиция хажми ва келажақдаги пул тушумларини баҳолаш ва солиштириш ётади. Критерияларни фойдаланиш асосида таҳлил қилишда талаб қилинадиган инвестиция миқдорини кўтилаётган даромадлар билан солиштириш зарур. Солиштирилаётган кўрсаткичлар вақтнинг ҳар хил даврларига тугри келса ҳам бунда асосий муаммо уларни таққослаш ҳисобланади.

Капитал қўйилмалар бюджетини тузишни ёки лойиҳаларни баҳолаш жараёнида критик моментлар қуйидагилар ҳисобланади: а) маҳсулотнинг сотилиш хажмини унга бўлган талаб имкониятларини ҳисобга олган ҳолда прогноз қилиш (лойиҳанинг асосий қисми қушимча маҳсулот чиқариш билан боғлиқ бўлса ҳам); б) пул маблағларининг оқиб келишини ҳар бир йил бўйича баҳолаш; в) зарур бўлган молиялилаштириш манбаларини баҳолаш; г) капитал нархининг аҳамиятлилигини ва дисконтлаштириш коэффициенти сифатида фойдаланиладиган капитал нархини баҳолаш (капитал нархи - молиялаштиришнинг бу ёки у манбаларини фойдаланиш ҳисобига харажатларнинг нисбий даражаси тушинилади).

Капитал қўйилмалар бюджетини тузиш жараёнида таҳлил қилинаётган инвестицион лойиҳалар маълум бир логика эга бўлади:

- ҳар бир инвестицион лойиҳалар элементлари пул маблағларининг соф чиқими ёки кирими ҳисобланган пул оқимлари билан боғланиш керак. Бунда

k - йилдаги пул маблағларининг соф чиқиб кетиши жорий пул харажатларининг лойиҳа бўйича жорий маблағларнинг тушумидан ошиши тушинилади (тескари ҳолатда соф кирим тушинилади); айрим ҳолатларда таҳлилда пул оқимлари фойдаланилмасдан лойиҳадаги прогноз қилинган йиллик соф фойда миқдорининг кетма кетлиги фойдаланилади;

- таҳлиллар фақат йиллар бўйича амалга оширилмасдан балки бир хил базавий даврлар бўйича ҳам (ой, чорак, йил, бешйиллик ва б.) юритилиши мумкин, фақат бунда пул оқимлари элементлари миқдорларининг, фоиз ставкалари билан мазкур даврлар муддатларининг бир бирига боғлиқлигини унутмаслик керак;

- кетма кет йиллар мобайнида инвестиция қилинадиган бўлса ҳам аввалги биринчи йилдаги лойиҳа билан амалга оширилган пул маблағларининг кирими, яъни инвестициялар ҳажми йил охирида амалга оширилиши эҳтимолдан ҳоли эмас;

- пул маблағларининг кирими (чиқими) кўпроқ навбатдаги йил охирига тугри келади (бу логика тушinarли, чунки масалан, даромад – ўсиб бoрyвчи жами билан ҳисобот даврининг охирига тугри келади);

- дисконтлаштирилган баҳога асосланган методлари ёрдамида лойиҳаларни баҳолаш учун қўлланиладиган дисконтлаштириш коэффициентлари инвестиция лойиҳаларига белгиланган даврлари муддатига мос келишлари керак (масалан, йиллик ставка давр муддати бир йилга мослаштирилиб олинади).

Капитал қўйилмалар бюджети асосида бир неча инвестициялардан бирини танлаш таҳлили ётган инвестицияларни асосий воситаларга жалб қилиш схемаси тушинилади.

Инвестицион қарорларни қабул қилиш эффекти бир неча йил қамраб олиши мумкин. Масалан, усканаларни сотиб олиш келажакда маҳсулотларни сотиш билан боғлиқ бўлади, у ёки бу усканани сотиб олиш тугрисидаги

қарор қабул қилиш келгуси 10 йил ичидаги прогнозларни ҳисоб-китоб қилишни талаб қилади.

Усканаларни сотиб олишни прогноз қилишда йул қуйилган хатолар оқибатда огир ахволларга олиб келиши мумкин. Йирик инвестициялар катта оқланмаган харажатларни талаб қилади. Агар етарли даражадаги инвестиция амалга оширилмаса қуйидаги икки муаммонинг келиб чиқишига олиб келади. Биринчидан – компаниянинг усканаси етарлича замонавий булмаслиги мумкин ва унинг ишлаб чиқаришини рақобат шароитида таъминлай олмайди. Иккинчидан – ишлаб чиқаришни таъминлайдиган етарлича қувватга эга булмаслиги мумкин ва компания бозорда уз ўрнини рақобатчиларига бушатиб бериши мумкин.

Компания олдиндан узнинг ишлаб чиқариш эҳтиёжларини прогноз қилиб ушбу муаммоларни ечиши мумкин. Агар компания талабнинг ўсишини прогноз қилса ва кўтиляётган талаб даражасига мос ўз ишлаб чиқаришини кенгайтирса ва прогноз нотугри бўлган бўлса, компания ошиқча қувватга эга бўлади ва жуда юқори харажатларга эга бўлади. Бу компаниянинг зарар ишлашига ва синишига ҳам олаб келиши мумкин.

Компания учун ишлаб чиқариш қувватини ошириш одатда йирик харажатлар билан боглиқ ва катта пул маблағларини сарфлашдан аввал яхши тузилган режага эга бўлиши керак, чунки буш тўрган молиявий ресурслар ҳамма вақт йирик ҳажмда булавермайди, шунинг учун компания капитал қўйилмалар бюджетини шакллантириш зарур.

Бугинги кунда лойиҳаларни баҳолаш ва улар хакида қарорлар қабул қилиш ва улардан қайси бирини капитал қўйилмалар бюджетини шакллантиришда фойдаланиш хакида инвестицион фаолиятни таҳлил қилишда қўлланиладиган критерияларни вақт параметрларини ҳисоб олиниши ёки олинмаслигига қараб икки гуруҳга ажратиш мумкин: а) дисконтлаштирилган баҳога асосланган; б) ҳисоб баҳоларига асосланган. Биринчи гуруҳига қуйидаги критериялар киради: соф келтирилган эффект

(Net Present Value – NPU); инвестициянинг рентабеллик индекси (Profitability Index – PI); фойданинг ички нормаси (Internal Rate of Return – IRR); фойданинг модификацияланган ички нормаси (Modified Internal Rate of Return – MIRR); инвестицияни қоплашнинг дисконтлаштирилган муддати (Discounted Payback Period – DPP). Иккинчи гуруҳга қуйидаги критериялар киради: инвестициянинг қопланиш муддати (Payback Period – PP); инвестициянинг самарадорлик коэффиценти (Accounting Rate of Return – ARR).

Инвестициянинг қопланиш муддати дастлабки инвестициянинг қопланиши мумкин бўлган кўтилаётган йиллар сони сифатида аниқланади. Инвестициянинг қопланиш муддатини ҳисоблаш алгоритми инвестициядан кўриладиган прогноз қилинган даромадларнинг тенг тақсимланишига боғлиқ. Агар, даромад йиллар бўйича тенг тақсимланган бўлса қопланиш муддати бир хил вақтдаги харажатларни йиллик даромад миқдorigа бўлиш йули билан аниқланади. Агар фойда бир текис тақсимланмаган бўлса қопланиш муддати тугридан тугри инвестиция кумулятив даромадлар ҳисобига қопланиши мумкин бўлган йиллар сони бўйича ҳисобланади.

1.1-жадвал. Ҳисоблаш тартибини кўрсатиш учун жадвалдаги S ва L лойиҳалари маълумотлари фойдаланилади.

Йиллар	S лойиҳаси	L лойиҳаси
0.	-10000	-10000
1.	5500	1600
3.	4500	1700
4.	2500	4500
5.	1000	5500

Мисолдаги маълумотларда кўриниб турибдики, ҳар бир лойиҳанинг қопланиш муддати ҳар хил кўрсаткичга эга. S лойиҳаси учун қопланиш муддати 2,0 йилга тенг, L лойиҳаси учун қопланиш муддати 3,6 йилга тенг.

Агар компанияда қопланиш муддати икки йилга чекланган бўлса S лойиҳаси қабул қилинади. Агар лойиҳалар альтернатив бўлса, S лойиҳаси L

лойихасига нисбатан маъкул тушади, чунки S лойихаси дастлабки инвестицион ҳаражатларининг қопланиш муддати жуда қисқа.

Айрим компаниялар ушбу критериянинг модификацияланган шакли **қопланишнинг дисконтлаштирилган муддатидан** фойдаланади – у ҳам ушбу алгоритм бўйича аниқланади, лекин бунинг асосида ушбу лойиҳанинг капитал баҳоси бўйича дисконтлаштирилган пул оқимлари ётади. Бу кўрсаткич мазкур дисконтлаштирилган пул оқимлари бўйича инвестицияни қоплаш учун зарур бўлган йиллар сони сифатида аниқланади.

Ҳар бир лойиҳада капитал баҳоси 15% га тенг деб фараз қилайлик.

Бундай шароитни юқоридаги жадвал маълумотлари асосида кўриб чиқамиз.

Жадвал маълумотларини тузиш учун пул оқимларининг ҳар бир элементининг дисконт қийматини ҳисоблаймиз, яъни қуйидагича бўлади:

$1+k)^t$ **к1.15.**

1.2 –жадвал. Пул оқими дисконт қийматини ҳисоблаш тартиби.

Й ил	S лойиҳаси		L лойиҳаси	
	Дастлабки DCF	Кумулятив DCF	Дастлабки DCF	Кумулятив DCF
0.	-10000	-10000	-10000	-10000
1.	$5500 \cdot 1 / (1+0,15)^1$ 782	-5218	$1600 \cdot 1 / (1+0,15)^1$ 391	-8609
2.	$4500 \cdot 1 / (1+0,15)^2$ 409	-1809	$1700 \cdot 1 / (1+0,15)^2$ 1287	-7322
3.	$2500 \cdot 1 / (1+0,15)^3$ 1644	-165	$4500 \cdot 1 / (1+0,15)^3$ 2960	-4362
4.	$1000 \cdot 1 / (1+0,15)^4$ 574	409	$5500 \cdot 1 / (1+0,15)^4$ 3160	-1202

S лойиҳаси. Инвестиция миқдори 10000 долл. га тенг у:

Дисконтлаштирилган РР қ3 йил + 165/574 года қ 3,3 йилда қопланади.

L.лоийҳаси. Инвестиция 10000 долл.га тенг

Дисконтлаштирилган РР 4 йилдан ошиқ.

Даромаднинг бухгалтерия меъёрий коэффиценти (ARR) пул оқимларига эмас, балки соф фойда кўрсаткичига асосланади. Чунки у қуйидаги хусусиятларга эга: биринчидан, даромад кўрсаткичларини дисконтлаштиришни талаб этмайди, иккинчидан, даромад соф фойда PN кўрсаткичи орқали (бюджетга тўловлардан сўнги фойда) характерланади. Уни ҳисоблаш усули қуйидагича: қўтилаётган уртача йиллик соф фойданинг ARR уртача йиллик инвестиция хажмига нисбати орқали аниқланади.. Агар S ва L лойиҳаларига жалб қилиш уларнинг ишлатилиши муддати мабойнида тулигигача тугри чизикли усул билан амортизацияланса, йиллик амортизация харажатлари 10000 долл. :4к 2500 дол.га тенг бўлади. Бу сумма соф фойдани аниқлаш учун йиллар бўйича пул тушумларидан айирилиш керак. Шундай қилиб:

S лойиҳаси бўйича уртача йиллик фойда қ пул маблағларининг уртача йиллик тушуми – ўртача йиллик амортизация қ 13500/4-2500к875 долл.

Уртача йиллик инвестиция дастлабки инвестиция ва қолдиқ қийматининг ярим сўммасига тенг бўлади:

(10000 дол. +0дол.):2к5000 дол.

$$ARR_S = \frac{875\text{дол.}}{5000\text{дол.}} = 0,17\text{или}17\%$$

L лойиҳаси бўйича уртача йиллик соф фойда L к 13300/4-2500 қ 825 дол.

$$ARR_L = \frac{825\text{дол.}}{5000\text{дол.}} = 0,16\text{ёки}16\%$$

Соф келтирилган самара (NPV) асосида компания эгалари томонидан аниқланадиган фирманинг қийматлилигини ошириш ётади. Уни миқдорий баҳолашда бозор қиймати олинади. Бу усул прогноз қилинган давр ичида дисконтлаштирилган соф пул тушумларининг умумий сўммасини дастлабки инвестиция миқдори (IC) билан солиштиришга асосланган. Пул маблағларининг кирими вақт бўйича тақсимланган бўлса ҳам у r коэффиценти ёрдамида дисконтланади. Бу коэффицентни инвесторлар инвестиция қилинган капитал ҳисобига кайтариш мумкин бўлган ҳар йилга фоиздан келиб чиққан ҳолда узлари белгилайди.

Масалан, (IC) инвестиция йиллик даромади $P_1, P_2, \dots, P_n$ миқдорларида бўлган n йилга амалга оширилади. Дисконтлаштирилган даромадларнинг (Present Value –PV) умумий жамланган миқдори ва соф келтирилган самара қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$PV = \sum_k \frac{P_k}{(1+r)^k};$$

Соф келтирилган самара(NPV) пул оқимларининг дисконтлаштирилган элементларини лойиҳанинг капитал баҳоси бўйича умумий жамиси орқали аниқланади.

Агар

$NPV > 0$, бўлса лойиҳани қабул қилиш мумкин;

$NPV < 0$, бўлса лойиҳани қабул қилиш керак эмас;

$NPV \approx 0$, бўлса лойиҳа фойдали ҳам, зарарли ҳам эмас.

NPV қуйидагича аниқланади:

$$NPV = \sum_{t=0}^n \frac{CF_t}{(1+k)^t}$$

Шуни таъкидлаш жоизки, **NPV** кўрсаткичи кўрилатган лойиҳани қабул қилиш шароитида компаниянинг иқтисодий потенциалини узгаришининг прогноз баҳосини кўрсатади. Бир неча лойиҳаларнинг **NPV** кўрсаткичларини умумийлаштирган ҳолатда ҳам қуришимиз мумкин. Бу бошқа критерияларга нисбатан аҳамиятли хусусиятга эга ва инвестицион портфелининг оптималлигини таҳлил қилишда катта аҳамиятга эга.

S ва L лойиҳаларини баҳолашда факат CF_0 салбий.

NPV_L 409 дол.

NPV критерияси мантиқи бизга маълум бўлди. Чунки, ноллик NPV лойиҳа орқали қилинаётган пул оқимлари: 1) лойиҳага жалб қилинган капитални қоплаш учун; 2) ушбу капитал учун қайтимни таъминлаш учун тулик етарли.

Инвестиция фойдасининг ички нормаси (ички даромадлилик, ички копланиш) деганда лойиҳанинг NVP кўрсаткичи нолга тенг бўлганда r дисконтлаштириш коэффиценти миқдори тушинилади:

$NVP \text{ қ } f(r) \text{ қ } 0$ бўлганда $IRR \text{ қ } r$;

Даромадлиликнинг ички нормаси жалб қилинган инвестиция лойиҳаси бўйича кўтилаётган тушумларнинг келтирилган қийматини тенглаштирадиган дисконт ставкаси орқали аниқланади:

Бошқача қилиб айтганда, тенгламада агар $IC \text{ қ } CF_0$ бўлса IRR қуйидагича бўлади:

$$\sum_{t=0}^n \frac{CF_t}{(1+IRR)^t} = 0$$

IRR лойиҳада кўтилаётган даромадлилигини характерлайди. Агар IRR лойиҳани молиялаштириш учун фойдаланилаётган капитал баҳосидан ошиб кетса, компаниянинг акционерлари томонидан капитални фойдаланиш учун ҳисоб китоблардан сўнг ошиқчалик келиб чиқади. IRR капитал баҳосидан юқори бўлган лойиҳани қабул қилиш акционерларнинг даромадини оширади. Иккинчи томондан IRR капитал баҳосидан кам бўлса лойиҳани амалга ошириш акционерлар учун зарарли бўлади. Масалан, агар лойиҳа тулигигача тижорат банки ссудали ҳисобига молиялаштириладиган бўлса, унда IRR кўрсаткичи банкнинг фоиз ставкасининг мумкин бўлган энг юқори даражадаги чегарасини кўрсатади, ундан ошган қисми лойиҳанинг зарарлиги кўрсатади.

Инвестицион лойиҳаларнинг рентабеллик нормасини ҳисоблаш усули. Инвестициянинг рентабеллик нормаси деганда (IRR) NPV си «0» га тенг лойиҳанинг дисконтлаш коэффиценти тушунилади.

$$IRR \text{ қ } r. \text{ унга кўра } NPV \text{ қ } f(r) \text{ қ } 0$$

Режалаштирилган инвестициянинг самарасини таҳлил этиш шароитида бу коэффицент қуйидагича ҳисобланади. IRR шу лойиҳага алоқадор барча

харажатларни энг юқори даражасини кўрсатади. Масалан: лойиҳа тўлиқ тижорат банкининг қарзи эвазига молиялаштирилса, IRR лойиҳани зарар келтирувчи даражадаги банк фоиз ставкасини чегараланган ўсишининг кўрсатади.

Амалиётда ҳар қандай корхона ўз фаолиятини турли манбаларга асосланаган ҳолда молиялаштирилади. Корхона фаолиятида аванслаштирилган молиявий ресурслардан фойдаланганлиги учун тўлов сифатида, у фоиз, дивидент, рағбатлантириш каби корхона иқтисодий кудратини ушлаб туришга асосланган харажатларни амалга оширади.

Бу харажатлар даражасининг ҳарактерловчи кўрсаткичларни аванслаштирилган капитал баҳоси дейиш мумкин. Бу кўрсаткични корхона фаолиятида қўйилган энг кам қайтарувни ўзида акс эттиради, унинг рентабеллиги ўртача тортилган арифметик формула бўйича ҳисобланади.

Бу кўрсаткичнинг иқтисодий маъноси қўйидагича ифодаланади: Корхона жорий кўрсаткичдан паст бўлмаган рентабеллик даражасига эга ҳар қандай инвестицион ҳарактерга эга қарорни қабул қилиш мумикин. Худди ўша билан IRR кўрсаткичи таққосланади. Бундай шароитда улар ўртасидаги алоқа қўйидагича:

Агар: $IRR > CC$ дан лойиҳа қабул қилинади;

$IRR < CC$ дан лойиҳа қабул қилинмайди;

$IRR \approx CC$ лойиҳа зарарсиз ва фойдасиз;

CC-жорий кўрсаткич.

Агар аналитик ихтиёрида махсус молиявий ҳисоб китоб бўлмаса, у усулни амалга ошириш қийинлашади. Бундай шароитда диспозланган кўпайтиргич табуляциясига доир кетма-кетлилик усулидан фойдаланилади. Бунинг учун таблица ёрдамида икки дисконтланган коэффициент танланади. $r_1 < r_2$ шу йўйсинда (r_1, r_2) интервалида f -я $NPV_{kf}(r)$ уз маъносини узгартиришини кўзда тутаяди, яъни «+» «-» га ёки аксинча. Кейин қўйидаги формуладан фойдаланилади:

$$IRR = r_1 + \frac{f(r_1)}{f(r_1) - f(r_2)} \cdot (r_2 - r_1)$$

Бу ерда: r_1 – дисконтланишининг табуляция қилинган коэффиценти $f(r_1) > 0 (f(r_1) < 0)$, ҳолда кўринади.

r_2 – дисконтланишнинг табуляция коэффиценти $f(r_2) < 0 (f(r_2) > 0)$ ҳолда кўринади.

Инвестицион лойиҳаларни самарадорлигини баҳолашда ноаниқлик ва хатар шароитларида уч ўзгарувчан миқдорларни ўрганиб чиқишга туғри келади:

1 Реализациядан тушган даромад

2 Маҳсулот

3 Ишлаб чиқариш харажатлари ва инвестиция

Ноаниқликнинг кўпроқ умумий сабаби бўлиб: инфляция, технологик ўзгариш, қурилиши муддати ва лойиҳавий қудратни ўзлаштириш. Зарарсизлик нуқтаси- маҳсулот реализациядан келиб чиқиб тушган даромад уни ишлаб чиқариши учун кетган харажатларга тенг бўлган шароитда алгебраик ёки график усулда топилган нуқтадир.

Агар зарарсизлик нуқтасидаги ишлаб чиқариш миқдори (сотув) Q деб қабул қилсак, реализация қиймати (ишлаб чиқариш харажатларига тенг) C , доимий харажатлар I_n , сотилган товар бирлигининг нархи Π ва ўзгарувчан ажратилган харажатлар U_n :

сотув учун $C \cdot Q$;

ишлаб чиқариш харажатлар учун $C \cdot U_n \cdot Q + U_n$;

Бундай шароитда $\Pi \cdot Q - C \cdot U_n \cdot Q - U_n$

$$Q = \frac{U_n}{(\Pi - C \cdot U_n)}$$

Зарарсизлик расмий равишда ифодалаб бериши истарлича соддадир. Унга кўра, сотув ҳажмининг Q ўзгариши фойдага Π қандай таъсир этиши кўриб чиқиш керак. Тенглик элементлари бўлиб ювар бирлигининг нархи (Π)

махсулот бирлигининг ишлаб чиқариш учун кетадиган харажатлар Y_n ва доимий харажатлар U_n .

Бу қўйидагича: $P_k Q(1 - (QY_n + U_n))$

ёки

$$P_k Q(1 - Y_n) - U_n$$

Демак, юқоридаги тенглик фойда сотилган товарлар ва хизматлар миқдоридан, келиб чиқади, нарх ва махсулот бирлигини ишлаб чиқариш учун кетадиган харажатлар билан нарх ўртасидаги тофавутдан келиб чиқишини кўрсатади.

Зарарсизликни аниқлашнинг яна бир усули фойдани сотувдан келадиган фойиз ёки коэффициент кўринишида ифодаланишидир. $K = \frac{P}{ac}$ Аввалги усул

ёрдамида K коэффициентини топиб оламиз $K = (Q(1 - Y_n - U_n) / Q) / (P - (Y_n / Q) - (U_n / Q * Q))$ ёки

Юқоридаги формулаларни бир-бирига солиштиришда фойда ва сотувни ўртасидаги муносабат (рентабеллик коэффициенти) сотувдан келган фойда ва ўзгарувчан харажатлар ўртасидаги фарқ миқдоридан келиб чиқади.

Шундай қилиб IRR критерияси инвестиция лойиҳаларини баҳолаш учун катта аҳамиятга эга.

Инвестициянинг рентабеллик индекси.

Бу критерия лойиҳаларни баҳолашда қўлланиладиган харажатлар бирлигига рентабеллик ёки даромад индексини аниқлайдиган усул ҳисобланади:

$$PI = \frac{PV(\text{фойда})}{PV(\text{харажат})} = \frac{\sum_{t=0}^n CIF_t / (1+k)^t}{\sum_{t=0}^n COF_t / (1+r)^t},$$

Бунда, CIF_t – кўтилаётган пул оқимларининг, ёки даромадларнинг кирими

COF_t - кўтилаётган пул оқимларининг, ёки харажатларнинг чиқими.

Бундан куришиб турибдики, агар

$PI > 1$, бўлса лойиҳани қабул қилиш мумкин;

$PI < 1$, бўлса лойиҳани қабул қилиш керак эмас;

$PI \approx 1$, бўлса лойиҳа фойдали ҳам, зарарли ҳам эмас.

Рентабеллик индексининг соф келтирилган самарадан (NVP) фарқи шундан иборатки бу нисбий кўрсаткич ҳисобланади. У бир бирлик харажатга тугри келадиган даромадлар даражасини, жалб қилиш самарадорлигини кўрсатади, яъни бу кўрсаткич қанча юқори бўлса лойиҳага инвестиция қилинган ҳар бир долларнинг кайтарилиши юқори бўлади. NVP кўрсаткичлари бир хил бўлган бир неча лойиҳаларнинг ичидан бирини танлашда PI критерияси жуда қулай ҳисобланади (аниқроғи, агар икки лойиҳанинг NVP кўрсаткичлари бир хил бўлса ва ҳар хил миқдордаги инвестицияларни талаб қиладиган бўлса, энг юқори самарани қайси бири таъминлай оладиганлигини аниқлаш мумкин), ёки инвестиция портфелини тиклашда жами NVP миқдорини максималлаштириш мақсадида жуда қулай ҳисобланади.


II БОБ. МИЛЛИЙ ИКТИСОДИЁТ САНОАТ ТАРМОКЛАРИДА ИНВЕСТИЦИЯ БОЗОРИНИ БАХОЛАШ ВА БАШОРАТЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

2.1. Миллий иктисодиёт саноат тармоклари инвестицион фаолиятнинг хозирги ахволи тахлили

Ўзбекистон республикаси Биринчи Президенти Ислом Абуғаниевич Каримов томонидан 2016-йилга мўлжалланган Инвестиция дастурининг ҳаётга татбиқ этилиши бутун иктисодиётимизда таркибий ўзгаришларнинг энг муҳим воситаси бўлиб хизмат қилди. 2016-йил учун белгиланган, умумий қиймати 5 миллиард доллардан зиёд бўлган 164 та йирик инвестиция лойиҳасини белгиланган муддатларда сўзсиз ишга туширишни таъминлаш бўйича зарур чора-тадбирларни кечиктирмасдан амалга оширилиши, бир сўз билан айтганда, 2016-йилда иктисодиётимизни ривожлантириш, модернизация қилиш ва таркибий ўзгаришларни амалга ошириш учун 17 миллиард 300 миллион доллар қийматидаги инвестициялар йўналтирилди. Ана шу инвестицияларнинг 4 миллиард доллардан ортиғини хорижий инвестициялар ташкил қилди, бу 2015-йилга нисбатан 20,8 фоиз кўпдир. Шу борада муҳим бир масалага эътиборингизни алоҳида жалб этмоқчиман. Яъни, илгари тушимизда ҳам кўрмайдиган инвестициялар, аввало, чет эл инвестицияларини иктисодиётимиз тараккиётига жалб этар эканмиз, биз аввало, шулар ҳисобидан хориждан олиб келадиган техника ва технологиялар замон талабига жавоб берадиган энг юқори даражада бўлиши шарт.

Агар қуйидаги 2.1-расмдаги иктисодий кўрсаткичларга назар ташласак, унда мамлакатимизга жалб қилинаётган хорижий инвестицияларни йилдан йилга ўсиб боришини кўрамиз. Мазкур жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, мамлакатимизга жалб қилинаётган хорижий инвестициялар 2010-

йилда мамлакатимизга жалб килинаётган инвестицияларни хажми 9,7 млрд. АКШ долларини ташкил этган бўлса, 2015-йилга келиб бу кўрсаткич 15,8 млрд. АКШ долларини ташкил этган. Мамлакатимизга жалб килинаётган инвестицияларни хажми 2010-йилга нисбатан 2015- йилда кариб икки баробарга ўсган. Бундан кўриниб турибдики мамлакатимизда инвестиция бозори ва кулай инвестиция мухити такоммиллашиб бормокда.



2.1-расм. Ўзбекистон Республикасига жалб килинаётган инвестицияларни ўсиб бориши тахлили.

Биринчи Президентимиз И.А.Каримовнинг Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг 2015 йилдаги асосий яқунлари тўғрисида"ги марузаларининг айрим иқтисодий кўрсаткичларига тўхталиб ўтадиган бўлсак бу борада “Давлат активларини хусусийлаштириш, аввало, чет эллик инвесторларга сотиш вазифалари қўйилди ва бунинг учун тегишли шароитлар яратилди. Масалан, 506 та мулк комплекси танлов асосида, инвестиция киритиш шарти билан «нол» кийматида янги мулкдорларга сотилди. Бу борада ана шу инвесторлар қарийб 1 триллион сўм ва 40 миллион АКШ доллари миқдорида инвестиция


киритиш, шунингдек, 22 мингга якин янги иш ўрни яратиш мажбуриятини олганини кайд этиш лозим. Мамлакатимиз иктисодиётини таркибий ўзгартириш, тармоқларни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга доир лойиҳаларни амалга ошириш учун инвестицияларни жалб қилиш борасида бажарилаётган ишлар алоҳида эътиборга лойик. 2015-йилда ана шу мақсадларга барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан 15 миллиард 800 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестициялар жалб этилди ва ўзлаштирилди. Бу 2014-йилга нисбатан 9,5 фоиз кўп демакдир. Жами инвестицияларнинг 3 миллиард 300 миллион доллардан зиёди ёки 21 фоиздан ортиғи хорижий инвестициялар бўлиб, шунинг 73 фоизи тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларидир. Инвестицияларнинг 67,1 фоизи янги ишлаб чиқариш қувватларини барпо этишга йўналтирилди. Бу эса 2015-йилда умумий қиймати 7 миллиард 400 миллион доллар бўлган 158 та йирик ишлаб чиқариш объекти қурилишини якунлаш ва фойдаланишга топшириш имконини берди.³

2015-йилда амалга оширган кенг кўламли, узокни кўзлаган ислохотларни ҳаётга татбиқ этиш эркин тадбиркорликка кенг имтиёз ва преференциялар йўлини очиб бериш, инвестициялар, аввало, чет эл инвестицияларининг ҳажмини ошириш ва жорий этиш иктисодиётимизнинг барқарор ўсиш суръатларини ва унинг макроиктисодий мутаносиблигини таъминлаш бўйича ўз ижобий таъсирини берди. Ўтган йилларда банк тизимини янада мустаҳкамлаш, банкларнинг капиталлашув даражасини ошириш ва инвестициявий фаоллигини кенгайтириш таъминланди. Банк тизимининг жами капитали 2014-йилга нисбатан 23,3 фоиз кўпайиб, 7 триллион 800 миллиард сўмга етди. Сўнгги 5-йилда мазкур кўрсаткич 2,4


³ Каримов И.А. “Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислохотларни, иктисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир” Ўзбекистон республикаси президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамиси мажлисидаги маърузаси

баробар ўсди. Банк тизими капиталининг етарлилик даражаси қарийб 24 фоизни ташкил қилди. Бу умумий қабул қилинган халқаро стандартлардан 3-марта, банк ликвидлиги эса энг юқори кўрсаткичлардан 2-марта қўплигидан далолат беради.

Мамлакатимиз иқтисодиётига инвестиция қиритиш ҳажми ялпи ички маҳсулотга нисбатан йилдан йилга ўсиб борапти. 2012 - йилда мамлакатимиз иқтисодиётига инвестиция қиритиш ҳажми ялпи ички маҳсулотга нисбатан 22,9 фоиздан иборат бўлган болса, бу кўрсаткич 2015 - йилга келиб 24,2 фоизга етди. Бундан кўриниб турибдики инвестиция ҳажми ўсиб бормокда, бу эса мамлакатимизни иқтисодиётини таркибий ўзгартириш, тармоқларни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга доир лойиҳаларни амалга ошириш учун имкониятлар ўшиб бораётганидан дарак беради (2.2-расм).




2.2-расм. Ўзбекистон иқтисодиётига инвестиция қиритиш ҳажми ялпи ички маҳсулотга нисбатан ўсиб бориши таҳлили.



2.3-расм. Ўзбекистон республикаси ялпи ички маҳсулотини ўсиб бориши таҳлили (млрд. АКШ долларида).


Инвестицияларни ўсиб бориши эса мамлакатимиз ялпи маҳсулотини ўсишига ижобий тасир кўрсатади. 2.3-расмда келтирилган маълумотларга эътибор қаратадиган бўлсак 2005 - йилда Ўзбекистон республикаси ялпи ички маҳсулоти 15,2 млрд. АКШ доллорини ташкил қилган бўлса, 2015-йилга келиб эса 51,61 млрд. АКШ доллорини ташкил этди. Бу дегани Ўзбекистон Республикаси ялпи ички маҳсулоти 2005 - йилга нисбатан 2015 - йилда қариб 3.5 баробарга ўсган.

Тўғридан -тўғри жалб қилинаётган инвестицияларга тўхталиб ўтадиган бўлсак, мамлакатимизга жалб қилинаётган инвестицияларга нисбатан улуши 2012 - йилда 79 фоизни, 2013 - йилда 72 фоизни, 2014 - йилда 75 фоизни ташкил қилган бўлса, 2015 - йилда 73 фоизни ташкил қилди. Буни 2.4 - расмда кўришимиз мумкин.




2.4-расм. Тўғридан тўғри хорижий инвестициялар тахлили (фоизда).

Тўғридан-тўғри жалб килинаётган инвестицияларни мамлакатимизга жалб килинаётган жами инвестицияларга нисбатан улушини пул билан ифодалайдиган бўлсак, 2012 - йилда 1,97 млрд долларни, 2013 - йилда 2,2 млрд долларни, 2014 - йилда 3,22 млрд долларни ташкил қилган бўлса, 2015 - йилда 2,29 млрд долларни ташкил қилди. Буни 2.5- расмда кўришимиз мумкин.



2.5-расм. Тўғридан тўғри хорижий инвестициялар тахлили (млрд. долларда).

Инвестиция дастурини амалга оширишда корхоналарнинг ва аҳолининг ўз маблағлари ҳисобидан йўналтирилган тўғридан-тўғри хусусий инвестицияларнинг йилдан-йилга фаол иштирок этаётгани барчамизга алоҳида мамнуният бағишлайди. Шу кунгача корхона ва аҳолининг ўз маблағлари ҳисобидан йўналтирилган тўғридан-тўғри хусусий инвестициялари энг юкори кўрсаткичга 2013-йилда эришган яни 6,51 млрд доллар, буни 2.6-расмда кўришимиз мумкин.




2.6-расм. Корхоналарнинг ва аҳолининг ўз маблағлари ҳисобидан йўналтирилган тўғридан-тўғри хусусий инвестицияларнинг тахлили.

Ўзбекистон Республикасида саноат ишлаб чиқариш корхоналаридаги инвестиция жараёнини муҳим ўзига хос иктисодиёт субъектларининг ўз маблағлари, махсус фондлар, банк-кредит институтлари ва минтакалар ресурслари ҳисобига молиялаштиришга кўчиришдан иборатдир. Бунда, бизнинг фикримизга кўра, инвестицияларни молиялаштиришнинг турли манбалар тузилмасини оптималлаштириш йўли билан таъминлаш, давлат секторида тармоқлараро пропорцияларни назорат қилиш ғоят муҳим масаладир.

Саноат корхоналарини инвестиция фаолиятини молиялаштиришда кредит ресурслари ҳиссасини кўпайтириш, бизнинг назаримизда,

молиялаштириш натижалари учун масъулиятни оширишга ёрдам беради, чунки уларнинг роли ошиши билан банк ва кредит таваккалчиликлари даражаси ҳам ўсади.

Саноат корхоналари инвестиция фаолиятини молиялаштириш тизимида юз бераётган ўзгаришлар турли халқаро инвестициялар иштирокининг кенгайиши ва молиялаштириш тизимида мамлакат резидентлари ва норезидентларининг кўшилиши муносабати билан турли таваккалчиликлар, жумладан сиёсий, валюта ва бошқалар доирасини кенгайтормокда. Саноат корхоналарини инвестицион фаолиятини молиялаштиришда халқаро лизингнинг ривожланиши, чет эл инвестициялари ҳамда кредит линиялари инвестиция фаолиятини молиялаштириш тизимида чет эл инвестициялари ва қарзларига ҳос қўшимча таваккалчиликларни қўпайтиради. 2015 йилнинг 3-чорак якунида Давлат Инвестиция дастурининг аниқ манзилли қисмидаги 154 та лойиҳалар доирасида хорижий инвестициялар ва кредитларни оъзлаштириш бўйича белгиланган режа қўрсаткичларини бажарилиши 100,5% ни ташкил этди. Ташқи иқтисодий алоқалар инвестициялар ва савдо вазирлигининг ҳисобот даврида ушбу лойиҳаларнинг ўз вақтида амалга оширилиши борасида доимий давлат мониторинг олиб борилади.




2.7-расм. Хорижий инвестицияларнинг тақсимланиши таҳлили

Хорижий инвестицияларнинг асосий ўзлашган қисми нефтегаз саноати (27,3%), коммуникатсия ва ахборотлаштириш (12,6%), энергетика (10,6%), транспорт таъминлови (9,6%), автомобил ёълларини ривожлантиришга (7,9%), кичхик бизнес субъектларини ривожлантириш бўйича кредит йўналиши (7,8%), енгил саноатга (5,2%), ва бошқаларга тоъғри кеалди. Инвестиция дастури доирасида республикаимиз иктисодига 10 дан ортик хорижий давлатлар жумладан, ХХР, Россия, Германия, Жанубий Кореа, Япония, Нидерландия, Буюк Британия, Малайзия ва бошқа шу каби давлатлар инвестициялари жалб килинди. Экспорт фаолиятига 835 корхона жалб этилди. 246 та янги махсулот турлари экспорти амалга оширилди. Шу билан бирга, миллий махсулотларнинг экспорт географияси 52 та янги чет эл бозорларига кенгайди.

Хисоб-китобларга кўра, 2020-йилга бориб, пахта толасидан ишлаб чиқарилган ип-калава маҳаллий корхоналарда тўлик қайта ишланади. Натижада тўқимачилик ярим тайёр махсулотлари экспортининг кескин

кискаришига ва ташки бозорларга етказиб берилаётган тайёр махсулотлар хажмининг 2,1 баробарга ошишига эришилади.

Ўтган йиллар давомида танлаган тараккиёт йўлимиз нақадар тўғри эканини бугунги фаровон ҳаётимиз яққол кўрсатиб турибди. Аҳолининг арзон ва сифатли, замонавий услубдаги миллий кийим-кечакларга бўлган талаби етарлича таъминланмоқда. Замонавий технологиялар асосида пахта толасини чуқур қайта ишлаш, ҳудудларда халқ истеъмоли моллари ҳамма турини ишлаб чиқаришнинг йўлга қўйилиши ички бозорни ўзимизнинг тўқимачилик ва енгил саноат махсулотлари билан таъминлашга хизмат қилади. Фаолият кўрсатаётган корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш ҳамда замонавий, юксак технологияларга асосланган янги ишлаб чиқаришни ташкил этишни тезлаштириш борасида давлат томонидан оқилона, фаол инвестиция сиёсати олиб борилди. Бунга ўзлаштирилган капитал қўйилмалар миқдоридан ҳам билиб олиш мумкин. Иқтисодийликка киритилаётган инвестицияларнинг йилдан-йилга осиб боришида юртимиздаги мавжуд инвестицион шароит ва қулай инвестиция муҳити алоҳида аҳамият касб этаётганини таъкидлаш жоиз. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 25 декабрдаги ПП-2458 - сонли Қарори билан “2016 йилги Инвестиция дастури” тасдиқланган бўлиб, 2016 йилнинг январь-декабрь ойи бўйича дастурнинг аниқ манзилли қисмидаги 163 та лойиҳалар доирасида 3,5 млрд доллардан ортиқ хорижий инвестиция ва кредитлар жалб қилинди. Ташки иқтисодий алоқалар инвестициялар ва савдо вазирлигининг ҳисобот даврида ушбу лойиҳаларнинг ўз вақтида амалга оширилиши борасида доимий давлат мониторинг олиб борилди.



2.8-расм. Хорижий инвестицияларнинг тақсимланиши таҳлили (2016 йил мисолида).

Хорижий инвестицияларнинг асосий ўзлашган кисми нефтегаз саноатига (36,0%), энергетикага (13,9%), транспорт инфраструктурасига (9,0%), коммуникатсия ва ахборотлаштиришга (8,1%), молия секторига (5,9%), йўл инфраструктурасига (5,3%), кишлок ва сув хўжалигига (4,5%), ичимлик суви билан таъминлашга (4,0%), енгил саноатга (3,7%), курилиш материалларини ишлаб чикариш ва курилишга (3,0%) ва бошкаларга тоъгри келди. Инвестиция дастури доирасида республикамиз иктисодига 20 дан ортик хорижий давлатлар жумладан, ХХР, Россия, Германия, Сингапур, Буюк Британия, Нидерландия ва бошка шу каби давлатларнинг тоъғридан-тоъғри хорижий инвестициялари жалб килинди.

Шу билан бирга Осиё Тарраккиёт Банки, Жахон Банки, Ислон Тараккиёт Банки, Хитой Халк Республикаси, Япония ва шу каби бошка халкаро молиявий институтлар ва донор-мамлакатларнинг имтиёзли кредит маблағлари жалб этилди.

Иктисодиётни модернизациялаш шароитида Ўзбекистон иктисодиётини баркарор ривожлантириш масаласи доимо долзарб

хисобланади. Ушбу масалани ечиш мақсадида мамлакат инвестиция фаолиятини такомиллаштириш муҳим омилга айланиб бормокда. Шунинг учун ҳозирги кунда ва келажакда инвестиция жараёнини чуқур ислох қилиш заруриятга айланиб қолмокда.

Саноат соҳасининг мамлакат ижтимоий ҳаёти ва иқтисодий қудратини юксалтиришдаги ўрнини назарда тутсак, бу соҳада иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш асосида иқтисодиётни модернизациялаш долзарб ва устувор вазифа ҳисобланиши, саноат қорхоналарида ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва ушбу тармоқ маҳсулотларини рақобатбардошлилигини оширишдаги муаммоларни ҳал этишда нақадар муҳимлигини англаймиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов мазкур масалани муҳимлиги ҳақида шундай дейдилар: “Юқори қўшимча қийматга эга бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни қўпайтиришни таъминлайдиган қимё, нефт-газ ва нефт-қимё саноатини, машинасозлик, металл қайта ишлаш, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, енгил, озик-овқат саноатининг юқори технологияларга асосланган тармоқларини ва бошқа соҳаларни юксак даражада ривожлантириш олдимизга қўйилган мақсадларга эришишнинг асосий манбаи бўлиши даркор”⁴.

Мустақиллик йилларида юртимизда автомобилсозлик, нефт - газқимё саноати, нефт-газ машинасозлиги, замонавий қурилиш-материаллари саноати, темир йўл машинасозлиги, маиший электротехника, фарматсевтика, замонавий озик-овқат саноати ва енгил саноат каби бир қатор мутлақо янги саноат тармоқлари яратилди.

Мамлакатимиз иқтисодиётида автомобилсозлик саноати алоҳида ўрин эгалламокда. Бу тармоқ Асака шаҳрида АКШнинг “Генерал Моторс”

⁴ Каримов И.А. “Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислохотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбирқорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир” Ўзбекистон республикаси президенти Ислам Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш йўналишлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамиси мажлисидаги маърузаси

компанияси билан ҳамкорликда енгил автомобиллар ишлаб чиқарадиган, Тошкент шаҳрида Германиянинг дунёга машхур “Даимлер Бенз” ва Самарканд шаҳрида Япониянинг “Исузу” компаниялари билан ҳамкорликда автобуслар ишлаб чиқарадиган ҳамда Самарканд шаҳрида Германиянинг “МАН” компанияси билан ташкил этилган юк автомобиллари ишлаб чиқарадиган янги заводларни ўз ичига олади. Ана шундай ўзгаришлар натижасида машинасозлик ва металлни қайта ишлаш саноатида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 1990 - 2015- йилларда 11,6 баробар ўсди. Факат охириги 10 йилнинг ўзида енгил автомобиллар ишлаб чиқариш 7,1 баробар, автобуслар - 2,6 баробар ва юк автомобиллари тайёрлаш - 12,9 баробар ошди.

Нефт казиб чиқариш ва нефтни қайта ишлаш саноатининг яратилиши мамлакатимизнинг энергетик хавфсизлигини таъминлади. Нефт ва газ конденсати казиб олиш 1990-йилга нисбатан 1,4 баробар ўсди. Табиий газ ишлаб чиқариш суръати 1990 - 2015 - йиллар давомида 1,6 баробар, суюлтирилган газ ишлаб чиқариш ҳажми эса 15,2 баробар кўпайди.

Энергетика мустақиллигини таъминлаш ҳамда нефт ва газни қайта ишлаш тармоқларини ривожлантириш дастури доирасида, истиклол йилларида энг замонавий технологияларга эга бўлган чет эл компаниялари билан ҳамкорликда Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи (“Текнип”, Франция) ва Шўртангазкимё мажмуаси (“АББ”) барпо этилди, Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи тўлиқ реконструкция килинди. Газ-кимё тармоғининг ташкил этилиши табиий газни қайта ишлашни чуқурлаштириш ва турдош тармоқларда янги ишлаб чиқариш қувватларини ривожлантириш имконини яратди.

Саноат корхоналарини инвестиция фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш қуйидаги йўллар билан амалга оширилади:

- инвестиция фаолиятининг қонунчилик негизини такомиллаштириш;
- солиқ тўловчилар ва солиқ солиш объектларини, солиқ ставкалари ва уларга доир имтиёزلар

- монополияга карши чораларни кўллаш;
- кредит сиёсати ва нарх белгилаш сиёсатини ўтказиш;
- ерга ва бошқа табиий ресурсларга эгалик қилиш ва улардан фойдаланиш шартларини белгилаш;
- инвестиция лойиҳаларини экспертиза қилиш механизмларини белгилаш;

Ўзбекистонда инвестиция фаолиятини тартибга солиш, биринчи навбатда, барча хўжалик юретиш босқичларида жамғармалар ўсиши суръатларини рағбатлантириш ва истеъмол даражасини пасайтиришга йўналтирилган бўлиши керак. Инвестиция фаолиятини тартибга солиш тизими доирасида соликларнинг рағбатлантирувчи функцияларини кучайтириш инвестицияларни молиялаштиришда бозор механизмлари ролини кенгайтиришга олиб келади.

Республикада саноат корхоналари инвестиция фаолиятини бошқариш ва тартибга солиш ишлаб чиқариш технологияларини сотиб олиш, глобал илмларни эгаллаш, соликларнинг тартибловчи ролини такомиллаштириш, уларнинг рағбатлантирувчилик ролини кучайтиришга қаратилиши лозим.

Ўзбекистонда иктисодиётни модернизациялаш шароитида инвестиция фаолиятини бошқариш ва тартибга солишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2011-2015-йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида”, “Республика енгил саноатини бошқаришни такомиллаштириш”, “Иктисодиётнинг реал сектори корхоналарини кўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида” фармонлари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасини “2012-2015-йилларда ноозик-овкат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш хажмларини кўпайтириш ва турларини кенгайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”, “Иктисодиётнинг реал сектори соҳасида корхоналарни ва инвестицион фаолликни кредит йўли билан кўллаб-қувватлашни таъминлаш чора-тадбирлар тўғрисида”, “Тўғридан-тўғри

хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари иктисодиётимизни саноат тармоғини янада юксалтиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

2010-2015-йилларда республикаимиз саноат тармоқларида ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатлари 3 баробарга ортди. Бунга сабаб саноат корхоналарида модернизация ишлари яхши олиб борилаётгани, уларнинг инвестиция фаолиятини такомиллашаётгани ҳисобланади ва энг асосийси юртимизда яратилаётган инвестицион иқлим ҳисобланади. Бу ҳолат саноат корхоналарида инвестициялар самарадорлигини ошишига ва натижада, тармоқда ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш кўрсаткичларининг ҳам ортишига олиб келди. Шу сабабдан, иктисодий ўсишга эришиш учун асосий капиталга йўналтирилган инвестиция қийматини доимо оширишга ҳаракат қилиш зарур. Юртимизда амалга оширилаётган иктисодий ислохотлар натижасида мамлакатимиз ЯИМи ва жалб қилинган инвестициялар ҳажми йилдан-йилга ошиб бормоқда.

2.1-жадвал. Ўзбекистон Республикаси ялпи ички маҳсулоти ва инвестициялар ўсиш суръатларининг ўзгариши

Йиллар	Ялпи ички маҳсулот, млрд. АҚШ доллари.	Олдинги йилга нисбатан (%да)	Инвестициялар (млрд. АҚШ долл.)	Олдинги йилга нисбатан (%да)
2005	15,2	107,0	2,9	107,0
2006	17,0	107,3	3,3	109,1
2007	22,3	109,5	4,7	122,9
2008	28,1	109,0	6,5	128,3
2009	32,1	108,1	8,2	124,8
2010	37,2	115,9	9,7	118,3
2011	40,3	108,3	10,7	111,2
2012	43,6	108,2	11,7	114,0
2013	47,08	108	13	111,3
2014	51,61	108,1	14,6	110,9
2015	55,73	108	15,8	109,5

Жадвалдан кўриниб турибдики, Республикамизда ЯИМни ўсиши юкори даражададир. 2015-йилда ЯИМ 55,73 миллиард АКШ долларини ташкил этган бўлса, бу 2014-йилга нисбатан 9,5 %га ўсган. Бундай натижага эришишда, инвестициялар окимини кўпайиши мухим рол ўйнайди, эътибор каратадиган бўлсак, 2015-йилда мамлакатимизга 15,8 миллиард АКШ долларида инвестиция жалб этилган бўлса, бу кўрсаткич 2005-йилга нисбатан салкам 6 баробар кўпдир. Шундай улкан натижага эришишга мамлакатимизда яратилган кулай инвестицион мухит ва иктисодиётни реал секторини асосини ташкил этувчи саноат корхоналарини ишлаб чиқариш базасини кенгайётгани ҳамда уларни инвестиция фаолияти имкон кадар яхши молиялаштирилгани сабаб бўлган. Маълумки, хозирги кунда саноат корхоналарини инвестиция фаолиятини молиялаштиришда банкларни ўрни бекиёсдир. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримов Республикадаги банк тизимининг фаолиятига бахо бериб, куйидаги фикрларни билдирган эди: “Шуни таъкидлашни истардимки, банк тизимини ривожлантириш ва мустахкамлаш масаласи доимо эътиборимиз марказида бўлиб келмокда ва бу ўзининг ижобий натижаларини бермокда. Бирок, бу борадаги ишларни янада чуқурлаштириш ва кенгайтириш керак. Нега деганда, айнан банклар, таъбир жоиз бўлса, бутун иктисодиётимизни озиклантириб турадиган кон томирлари хисобланади, мамлакатимизнинг молиявий-иктисодий баркарорлиги кўп жихатдан уларнинг самарали фаолиятига боғлиқ”.

Иктисодиётни модернизатциялаш шароитида саноат корхоналари инвеститцион фаолиятини молиялаштиришда корхоналарга маблағ кўйувчилар - банклар, бошка йирик инвестиция институтлари ва ресурсларни карзга берувчиларнинг манфаатларини корхона манфаатлари билан ўзаро мос келишини таъминлаши лозим. Шуни таъкидлаш лозимки, саноат корхоналарига инвестицияларни бюджет усулида молиялаштиришда

маблағларни кайтариш мажбурияти бўлмайди, бу эса карз олувчиларнинг ўз фаолиятини янада самаралироқ амалга оширишда манфаатдор қилмайди. Иккинчи томондан, бюджетдан молиялаштириш карз олувчиларга фаолият эркинлиги ва ижодий ташаббус кўрсатишни таъминламайди, боқимандалик қайфиятини уйғотади.

Иктисодиётни модернизациялаш шароитида саноат корхоналари фаолиятини банк кредити яъни карзга бериладиган пул ҳисобига ҳам молиялаштириш мумкин. Кредитлаш - аҳоли ва корхоналар ҳамда банкларнинг бўш турган пул маблағларини банкларда тўпланиши ҳамда муайян ҳақ эвазига вақтинча фойдаланиш учун саноат корхоналарига берилишидир. Ишлаб чиқариш воситалари кўринишидаги капиталнинг тармокдан-тармокка ўтиш имкониятлари жуда чекланган. Лекин иктисодиётда ҳар доим иктисодий ресурсларни, энг аввало капитални тармоқлар ўртасида қайта таксимлаш зарурияти мавжуд бўлади. Бу вазифани энг оқилона тарзда кредит механизми ва унинг таркибий қисми бўлган банк кредити бажаради.

Банк кредити воситасида молиявий ресурслар пул капитали сифатида жамланади ҳамда тармоқлар ва саноат корхоналар ўртасида бозор меъзонлари асосида таксимланади. Кредитни белгиланган муддат давомида қайтариш ва кредитдан фойдаланганлик учун муайян ҳақ тўлаш зарурлиги кредитга олинган маблағлардан юқори самара бера оладиган фаолият соҳаларида фойдаланишга мажбур этади. Кредит саноат корхоналари фаолияти самарадорлиги даражасини оширишга хизмат қилади.

Банк кредитининг муҳим вазифаларидан бири - бу ишлаб турган корхоналар айланма маблағлари айланишининг узлуксизлигини таъминлашдан иборат. Бу асосан қисқа муддатли кредитлаш воситасида амалга оширилади. Қисқа муддатли кредит саноат корхонаси ишлаб чиқариш захираларини тўлдиришга, товар-моддий бойликларини сотиб олишга, ишлаб чиқарилган товарларни сотиш жараёнида вужудга келган маблағларнинг

вактинча етишмовчилигини тўлдиришга ва бошқа шу каби мақсадларга йўналтирилади. Банк кредитлари саноат корхоналарининг фаолияти самарадорлигини оширишга хизмат қилиши туфайли халқ хўжалигида фойданинг капиталлашуви жараёнларини тезлаштиради. Бу бозор иктисодиётини эркинлаштириш босқичида, мамлакатда кўшимча иш жойларини яратиш нихоятда зарур бўлган даврда жуда муҳим аҳамиятга эга. 3-иловада “Микрокредитбанк” ОАТБ томонидан саноат соҳасини молиялаштиришга ажратилган кредитлар тўғрисида маълумот берилган.

Ўзбекистон МДХ давлатларидан ўртасида биринчилардан бўлиб иктисодий ўсиш фазасига кириб борган. Шунингдек, асосий капиталга инвестиция киритиш ҳажмининг ортиб бораётгани ва бу кўрсаткич ялпи ички маҳсулотнинг 22,9 фоизини ташкил қилгани Ўзбекистон иктисодиётининг жадал суръатлар билан барқарор ўсишида муҳим омил бўлаётганини англади. Ўтган йили қиймати 120 миллиард долларлик ички ва чет эл инвестицияси жалб этилди. Уларнинг 50 фоиздан ортиғи тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларидир. Ушбу инвестицияларнинг катта қисми янги ишлаб чиқаришларни барпо этиш, фаолият кўрсатаётган корхоналарни модернизация қилиш ва янгилаш бўйича дастурлар ҳамда лойиҳаларни амалга оширишга йўналтирилди.

Ўзбекистонда Германия, Италия, Швейцария, АКШ, Жанубий Корея, Япония, Сингапур, Хиндистон ва бошқа каби мамлакатларнинг хорижий инвесторлари билан ҳамкорликда 100 дан ортиқ корхоналар ташкил этилди. Республикамизда йирик чет эл компаниялари фаолият кўрсатмокда. Шундай ҳамкорлик натижасида, шунингдек, охириги уч йил давомида ички инвестицияларнинг ўсишини эътиборга олган ҳолда пахтани маҳаллий тўқимачилик саноатида қайта ишлашни умумий ишлаб чиқариш ҳажмга нисбатан 70% га етказиш режалаштирилмокда.

Ўзбекистоннинг хорижий инвесторлар билан ўзаро манфаатли ва узок муддатли самарали ҳамкорлигини кенгайтирилмода. Тўқимачилик саноатини

ривожлантириш бойича Швейсариянинг “Риетер АГ” компанияси инновацион тўқимачилик технологияларини жалб килиниши кўзда тутилмокда.

Жахон бозоридаги тенденциялар доирасида чет эллик инвесторлар билан ҳамкорликда сохада янги тўқимачилик мажмуаларини куриш ва фаолият кўрсатаётганларини модернизация килиш бўйича инвестиция лойихаларини амалга ошириш ишлари давом эттирилмокда.

2.2. Худудлардаги инвестицион фаолиятни бахолаш масалалари

Саноат корхоналарига инвестицияларни жалб этишга худудий жихатдан ёндашув республиканинг хар бир худудининг ривожланишини таъминлашга имкон беради. Шунини таъкидлаш лозимки, мамлакатимиз худудларининг баркарор иктисодий ривожланишини таъминлаш республикамизда юритилаётган иктисодий сиёсатнинг мухим йўналишларидан бири бўлмокда. Худудларнинг ижтимоий-иктисодий жихатдан ривожланиши, турмуш шароитларининг яхшиланиши хам бевосита уларнинг иктисодиётини ривожланиши билан боғлиқ. Мамлакат иктисодиёти худудлардан таркиб топган бир бутун тизимни ташкил этгани сабабли, унинг хар бир минтакасидаги ривожланишни таъминлаш мамлакатимизнинг узлуксиз тараққиётига замин яратади. Шундай экан, худудларда янги саноат корхоналари барпо этиш, мавжудлари фаолиятини кенгайтириш, уларга кенг микёсида инвестицияларни, айникса хорижий инвестицияларни жалб килиш мухим ахамият касб этади. Бунда мамлакат ва унинг минтакаларида яратилган инвестицион жозибадорлик ва нисбий афзалликлар мухим ўрин тутди. Айнан ушбу омилларга инвесторлар томонидан алохида эътибор берилади.

Швейцариянинг машхур Мэйшинфабрик Риетер АГ машинасозлик компанияси билан ҳамкорликда Тошкентда тўқимачилик ускуналарини

ишлаб чиқаришнинг йўлга қўйилиши энг муҳим лойиҳалардан бири бўлди. “Ўзбекенгилсаноат” ва Масчиненфабрик Риетер АГ ўртасидаги шартнома доирасида амалга оширилаётган мазкур лойиҳа мамлакатимиз корхоналарини макбул нархларда миллий валютада юқори технологик ускуналар билан қулай муддатларда таъминлаш бўйича стратегик шерикликни қўзда тутди.

Биринчи босқич доирасида лентали ва тарокли машиналар ишлаб чиқариш ўзлаштирилган бўлса, иккинчи босқичда халқали йигирув машиналари, учинчи босқичда эса металлни қайта ишлаш ва қуқунли бўйаш сехларини ишга тушириш режалаштирилмокда.

Хоразм вилоятидаги “Шовот текстил” масъулияти чекланган жамияти негизида йигирувчи корхонанинг ташкил этилиши яна бир муҳим лойиҳалардан биридир. Пахта толасидан йилига беш минг тонна қалава ишлаб чиқариш қувватига эга ушбу лойиҳанинг умумий қиймати 25 миллион долларни ташкил этади.

Ўзбекистон тўқимачилик саноати республикаимизнинг ривожланган илғор соҳалардан ҳисобланиб, бу соҳада мустақиллик йиллари давомида салмоқли ишлар олиб борилди. Жумладан, 2 млрд. атрофида инвестициялар ўзлаштирилиб, қўп корхоналаримиз модернизациялаштирилди. Бу эса, ўз навбатида, замонавий бозор талабларига жавоб бера оладиган маҳсулот ишлаб чиқариш имконини яратди.

Коконда 2011 йилда "Индорама" текстилни биинчи заводи қурилди, 2012 йилда эса иккинчи завод қурилишини ҳам битириди. Қелгусида мамлакатингизда учинчи заводни қуриш ҳам режалаштирилмокда.

БМТнинг Саноатни ривожлантириш ташклоти (ЮНИДО) эксперти Девид Лининг таъкидлашича, “Пахта етиштириш бўйича жаҳонда ўзининг мустаҳкам ўрнига эга Ўзбекистон хомашёнинг факат бир қисмини экспорт қилмокда, қолгани эса мамлакатимизда қайта ишланмокда. Бу қўшимча иш ўринларини яратиш ва енгил саноатни жадал ривожлантиришга хизмат

килмокда. Ўзбекистон иктисодиётига инвестиция киритиш юксак самаралар беради. Негаки, бу ерда кулай инвестиция мухити яратилган, кўшимча кийматга эга маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни хорижга экспорт қилиш имкониятлари жуда кенг”.

Республикадаги маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналар ва чет эллик хорижий ҳамкорлар ўртасида инвестицион лойиҳаларни, жумладан Сингапурнинг “Индорама” 3-босқичи, Швейцариянинг “Ритер” 2-босқичи, Сириянинг “Унитед Даббаг Групп”, Италиянинг “Савио Мачинес” компаниялари каби бир қатор лойиҳаларни амалга ошириш бўйича 55 млн доллардан ортиқ олтита қелишув битмларини имзоланиши қутилмокда. Енгил саноат соҳасига татбиқ этилаётган лойиҳалар тўқимачилик корхоналарини замонавий техника ва технологиялар билан таъминлаш ҳамда сифатли кийим-кечаклар тайёрлашни янада қўпайтириш имконини берапти. Дунё Ўзбекистоннинг энг сара енгил саноат ва тўқимачилик маҳсулотларидан баҳраманд бўлмокда. Мамлакатимизда 1991-йилда пахта толасини қайта ишлаш ҳажми 7 фоиздан ошмаган бўлса, 2016-йилда бу кўрсаткич 40 фоизгача ўсди. Бугунги кунда тармок корхоналари маҳаллий тўқимачилик маҳсулотларини жаҳондаги 50 дан зиёд мамлакатга экспорт қилмокда. Жумладан, сўнгги йилларда Бразилия, Чили, Хорватия, Нигерия каби давлатларга енгил саноат маҳсулотларининг экспорти йўлга қўйилди.

Худудларда саноат корхоналарини қамлигига асосий сабабларидан бири бу электр таъминотини қастлигидир. Бу муаммоларни ечиш учун қеракли қоратадбирларни амалга ошириш зарур.

Саноат тармоғида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳажми ҳам йилданйилга ошиб бормокда. Бунга сабаб, корхоналарнинг техник базаси янгиланаётганини, ишлаб чиқариш қувватларини ошаётганини кўрсатиш мумкин. Мамлакатимизнинг барча минтақаларида саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш йил-йилга ўсиб бормокда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2016-йил 21-декабрдаги «2017-2019-йилларда тўкимачилик ва тикув-трикотаж саноатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги қарори соҳада янги имкониятлар эшигини очди.

Мазкур дастур 2020-йилга қадар юртимизда етиштирилган пахта толасини тўлик қайта ишлаш, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва экспорт салоҳиятини 2,7 баробардан кўпроққа ошириш ҳамда ички ва ташқи бозорга етказиб беришни назарда тутди. Бу енгил саноат тармоғининг янги рақобатбардош кийфасини яратиш ва жаҳон савдо майдонларига ишончли кириб боришимизни таъминлайди.

Таҳлилларга кўра, ҳозир экспортнинг қарийб 50 фоизини ип-калава ташкил этмоқда. Қелгусида унинг ҳажмини босқичма-босқич камайтириш ҳисобига ярим тайёр ва тайёр, юқори қийматли маҳсулотларни экспорт қилишга устувор вазифа сифатида қаралмоқда. Айни вақтда тайёр маҳсулотлар улуши умумий ишлаб чиқаришнинг 47 фоизини ташкил этаётган бўлса, истикболда 65,5 фоизгача, экспорт таркибидаги улуши 41 фоиздан 70 фоизгача ўсиши таъминланаши режалаштирилмоқда.

Дастур доирасида 2017-2020-йилларда соҳага 2,2 миллиард доллардан ортиқ маблағ жалб қилинади ва шу маблағни деярли ярми хорижий инвестиция ҳисобланади. Инвестицион лойиҳалар тўрт босқичли тизим асосида пахта хомашёсини қайта ишлаб, тайёр маҳсулотгача ишлаб чиқаришга ихтисослашган махсус тўкимачилик комплекслари ва 27 мингдан ортиқ янги иш ўрни яратишга хизмат қилади. Шунингдек, 120 янги қорхонани ташкил этиш ва ўндан ортиқ ишлаб чиқариш қорхонасини модернизация қилиш режалаштирилган. Демакки, барча ҳудудларда тўкимачилик ва тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватлари яратилади.

Таҳлиллага кўра тўкимачилик ва тикув-трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқариш қувватларини жойлаштиришда иш ўринларига талаб юқори

бўлган ҳудудлар Сурхондарё вилоятининг Сариосиё, Шеробод туманлари, Сирдарёнинг Гулистон, Сайхунобод, Жиззахнинг Ғаллаорол, Жиззах, Кашкадарёнинг Яккабоғ, Шахрисабз, Наманганнинг Учкўрғон, Поп, Самарканднинг Окдарё, Ургут, Қорақалпоғистон Республикасининг Хўжайли, Чимбой туманлари саналади. Шу ҳудудларда етиштирилаётган пахта толасини ўша жойнинг ўзида тўлик қайта ишлаб, юкори кийматга эга маҳсулот ишлаб чиқариш ҳамда ҳудуд аҳолисининг реал даромадларини ошириш назарда тутилган.

Яъни, замонавий йигирув, тўқув ва бўяш асбоб-ускуналари сотиб олиш бўйича тўқимачилик лойиҳаларини биргаликда молиялаштириш учун тижорат банкларида кредит линиялари очилади. Тижорат банклари жалб этаётган маблағлар ҳисобидан амалга оширилаётган лойиҳаларда банклар ёки уларнинг инвестиция компаниялари лойиҳанинг 100 фоизи миқдорида қорхона низом жамғармасида қатнашиши ёки молиялаштириши мумкин. Тижорат банкларига лойиҳаларни амалга ошириш муддатидаги инвестиция даврида ажратилган кредитлар бўйича ҳисобланган фоизларни капитализация қилиш ҳамда уларда улушли иштироки бўйича чекловларни қўлламаслик ҳуқуқи берилмоқда. Бунинг натижасида тўқимачилик саноати тармоғида иқтисодий ўсиш сураъатлари қўзғатилмоқда. Жумладан:

Ғилам ва ғилам маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 2015-йилда 21 миллион квадрат метрдан зиёд бўлди, бу эса 2000-йилда ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмига нисбатан 13,6 баробар кўпдир. Ўтиш даврининг мураккаб шароитида макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш мақсадида иқтисодиётнинг базавий тармоқлари, хусусан, нефт, газ, олтин қазиб олиш, рағли металлургия, қимё ва нефт-қимё саноатини жадал ривожлантириш учун давлат барча шарт-шароитларни яратиб берди. Натижада чуқур сифат ўзгаришлари рўй берди ва Ўзбекистон саноатининг тармок таркиби анча диверсификация қилинди ва мутаносиблашди.

Хозирги кунда саноат корхоналаридаги мавжуд муаммоларни ижобий хал этишнинг мухим омили ва шарт-шароитларидан бири - бу инвестицион фаолликни янада кучайтириш хисобланади. Саноат корхоналари тараққиёти учун инвестиция фаолиятини молиялаштиришни такомиллаштириш жуда мухим аҳамият касб этади. Бирок, бу соҳага кенг қамровли инвестицияларни олиб кириш вазифасини хал этмасдан туриб, мазкур йўналишдан кўзланган мақсадларга эришиб бўлмайди. Шу сабабли инвестицияларни саноат соҳасига кенгрок жалб этиш ва ушбу тармок корхоналари инвестиция фаолиятини ривожлантиришнинг қулай шароитлар яратиш давлат томонидан ошириладиган инвестиция ислохотини асосини ташкил этиши лозим. Ўзбекистон МДХ давлатларидан ўртасида биринчилардан бўлиб иқтисодий ўсиш фазасига кириб борган. Шунингдек, асосий капиталга инвестиция киритиш ҳажмининг ортиб бораётгани ва бу кўрсаткич ялпи ички маҳсулотнинг 22,9 фоизини ташкил қилгани Ўзбекистон иқтисодиётининг жадал суръатлар билан барқарор ўсишида мухим омил бўлаётганини аңглатади.

Ўтган йили қиймати 120 миллиард долларлик ички ва чет эл инвестицияси жалб этилди. Уларнинг 50 фоиздан ортиғи тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларидир. Ушбу инвестицияларнинг катта қисми янги ишлаб чиқаришларни барпо этиш, фаолият кўрсатаётган корхоналарни модернизация қилиш ва янгилаш бўйича дастурлар ҳамда лойиҳаларни амалга оширишга йўналтирилди.

Ўзбекистонда Германия, Италия, Швейсария, АКШ, Жанубий Корея, Япония, Сингапур, Хиндистон ва бошқа қаби мамлакатларнинг хорижий инвесторлари билан ҳамкорликда 100 дан ортиқ корхоналар ташкил этилди. Республикамизда йирик чет эл компаниялари фаолият кўрсатмокда. Шундай ҳамкорлик натижасида, шунингдек, охирги уч йил давомида ички инвестицияларнинг ўсишини эътиборга олган ҳолда пахтани маҳаллий

тўқимачилик саноатида кайта ишлашни умумий ишлаб чиқариш ҳажмга нисбатан 70% га етказиш режалаштирилмоқда.

Ўзбекистоннинг хорижий инвесторлар билан ўзаро манфаатли ва узок муддатли самарали ҳамкорлигини кенгайтирилмоқда. Тўқимачилик саноатини ривожлантириш бўйича Швейцариянинг “Риетер АГ” компанияси инновацион тўқимачилик технологияларини жалб қилиниши кўзда тутилмоқда.

Жаҳон бозоридаги тенденциялар доирасида чет эллик инвесторлар билан ҳамкорликда соҳада янги тўқимачилик мажмуаларини қуриш ва фаолият кўрсатаётганларини модернизация қилиш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ишлари давом эттирилмоқда. Давлат раҳбарининг “2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги қарори бу борада кенг имкониятлар очди. Қарорга мувофиқ “Ўзбекенгилсаноат” давлат акциядорлик компанияси умумий қиймати 194,8 миллион доллардан зиёд 28 инвестиция лойиҳасини амалга оширди. Бунинг натижасида 3,7 мингдан ортиқ янги иш ўрни ташкил қилинди.

Дастурнинг асосий жиҳатларидан яна бири, хорижий тажрибаларни ўзлаштирган ҳолда тўқимачилик корхоналарини ташкил қилиш, лойиҳалаштириш ва қурилишнинг янги тармок меъёрларини ишлаб чиқиш ҳамда жорий этишдир. Ушбу меъёрлар қурилиш-монтаж ишлари харажатларининг камайишини ва маҳаллий қурилиш материалларидан фойдаланишни таъминлайди. Эндиликда пахта хомашёсини кайта ишлашни рағбатлантириш мақсадида олдин тақдим этилган солиқ ва божхона имтиёзлари 2020-йилнинг 1-январига қадар узайтирилди.

Мазкур имтиёзлар қаторига даромад солиғи, мол-мулк солиғи, микрофирма ва кичик корхоналарни ягона солиқ, йўл жамғармасига ажратмалар тўлашдан озод қилиш, 40 фоиздан ортиқрок маҳсулотни экспортга жўнатган тўқимачилик корхоналарини мулк солиғидан озод

килиш, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлаган рўйхат бўйича импорт килинадиган, ноозик-овкат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган асбоб-ускуналар, бутловчи буюмлар, юртимизда ишлаб чиқарилмайдиган хомашё ҳамда материалларни божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) озод этиш қабилад киритилган. Ушбу имтиёзлардан самарали фойдаланиш эвазига иктисод килинган маблағлар янги кувватларни барпо этиш, зарур хомашё ва материалларни харид килишга йўналтирилади. Хорижий инвестициялар иктисодиётнинг барча соҳаларида, жумладан, саноат тармоғида ҳам капитал, бошқарув кўникмалари, жаҳон бозоридаги мавжуд сотиш каналлари қаби етишмайдиган элементларни таклиф этиш орқали экспортни рағбатлантириши мумкин.

Тадқиқотлардан маълум бўлишича, ички бозорда рақобатни рағбатлантирувчи ҳукумат сиёсати чет эл инвестицияларининг иктисодий тараккиётга таъсирининг муҳим омили бўлиб хизмат килади.

Бизнинг фикримизча, чет эл инвестицияларининг миллий итисодиётга таъсири ва улар томонидан амалга оширилаётган лойиҳаларнинг самарадорлиги турлича бўлиши мумкин:

Биринчидан, хорижий инвестициялар миллий иктисодиёт учун ижобий аҳамият касб этади. Буни биз саноат тармоғига чет эл инвестицияларининг кириб келиши натижасида маҳаллий жамғармаларга кўшимча равишда инвестицион фаолият кенгайиб, меҳнат ва капитал самарадорлигини оширишга кўмаклашадиган бошқарув, маркетинг ва илғор технологияларни жорий этилишида кўришимиз мумкин. Миллий даромаднинг ўсиши кириб келадиган капитал оқими ҳажми ҳамда капиталга бўлган эҳтиёж ўзгарувчанлигига боғлиқ;

Иккинчидан, саноат тармоғидаги хорижий инвестициялар иштирокидаги лойиҳалар миллий иктисодиётнинг тараккиётга салбий таъсир кўрсатиши ҳам мумкин. Бозорга кириб бориш йўлида катта тўсиклар

мавжуд саноат сохаларида иш юритаётган хорижий компаниялар бундай шароитда ўз манфаатларини кўзлаб, бозорнинг концентратсия даражасини янада оширишлари мумкин. Улар маҳаллий капитал бозори ва хорижий валюта захираларидан имтиёзли равишда фойдаланиш имкониятидан фойдаланиб, ички жамғарма ва инвестициялар даражасини пасайтиришлари мумкин.

Учинчидан, хорижий инвестицияларнинг миллий иктисодиётга таъсирини белгилаб берувчи асосий омиллардан бири - саноат тармоғида ана шундай лойихалар амалга оширилаётган маҳаллий бозордаги ракобат даражасидир. Бизнинг фикримизча, ракобат ва антимонополия соҳасида муқобил ҳукумат сиёсатининг амалга оширилиши ўта муҳим аҳамият касб этади. Мана шундай шароитдагина хорижий инвестициялар уни қабул қилган мамлакат иктисодий ривожига мақбул таъсир кўрсатади. Ушбу таъсир сабаблари шуки, хорижий инвестициялар, биринчи навбатда, қўшилган қийматни ошириш ва қўпроқ даромад олиш имкони бўлган соҳаларга кириб келади. Хорижий инвестициялар ишлаб чиқариш ва инвестицияларнинг қўпайиши орқали иктисодий ўсишга кўрсатадиган бевосита таъсиридан ташқари меҳнат самарадорлигини ошириш, янги технология ва ноу-хауларни жорий этиш, ички жамғарма, инвестициялар ва экспорт имкониятларини қўпайтириш, инфратузилмани ривожлантириш орқали иктисодиётга билвосита таъсир ҳам ўтказади.

Шу ўринда шуни таъкидлаш жоизки, инвестициянинг ҳаракатидан келиб чиқиб, замон ва маконининг алмаштирилиши ва ўзга иктисодиётга кириб бориши намоён бўлади. Республикада саноат тармоғи корхоналари ривожланиши учун катта имкониятлар ва манбалар мавжуд бўлиб, уларнинг асосийси сифатида ҳам ашё базасининг мавжудлиги, электр-энергия ва ёкилғи маҳсулотларининг харид нархининг пастлиги, арзон ишчи кучлари, замонавий коммуникатсия тизими, тўлиқ ўзлаштирилмаган саноатнинг айрим тармок маҳсулотлари бозори ва бошқаларни кўрсатиш мумкин. 2016-

йилда фаол инвестицион сиёсатни амалга ошириш натижасида умумий киймати 5,2 миллиард доллар бўлган 164 та лойихаларни амалга ошириш якунланди ҳамда 5329 та янги иш ўринлари яратилди, жумладан нефт-газ саноатида - 9 та лойиха, рангли металлургия тармоғида - 20, электроэнергетика соҳасида - 5, машинасозлик тармоғида - 3, электротехника соҳасида - 16, енгил саноатда - 17, бошқа тармоқларда - 94 та лойихалар.

2.3. Минтакаларда саноат корхоналарига инвестицияни жалб килишни баҳолаш ва такомиллаштириш йўналишлари

Минтакаларда саноат корхоналарига инвестицияни жалб килишга келсак, хорижий инвесторлар инвестиция киритилаётган мамлакат корхонасида бошқарувни назорат килиш ҳукуки билан бирга, одатда, 25 ёки ундан кўпроқ фоизни ташкил этадиган узок муддатли мажбуриятларни ҳам ўз зиммасига олади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ҳеч қайси ўзига ишонган хорижий компания ёки хусусий тадбиркор иктисодиётда чуқур ислохотлар амалга оширилмаётган, сармоя киритишнинг зарур қафолат ва истикболлари ҳамда ривожлантиришнинг омиллари мавжуд бўлмаган бозорга кадам босмайди. Саноат корхоналарига, айниқса, хом ашёни мукаммал қайта ишлаб, тайёр маҳсулот ишлаб чиқарадиган корхоналарга берилаётган юқорида қайд этилган катор имтиёз ҳамда енгилликлар саноатнинг имкониятларини амалга ошириш ва келгусида уларнинг ўсишини таъминлашга қаратилган.

Бизнинг фикримизча, саноат тармоғига хорижий инвестицияларни кенгрок жалб килиш ва улардан самарали фойдаланиш орқали ушбу тармок фаолиятини янада жадаллаштириш масалалари қуйидаги йўналишларда намоён бўлади:

Биринчидан, саноат тармоғида хорижий инвестициялар иштирокидаги хорижий корхоналарни кўпайтириш ҳисобига бир катор иктисодий,

ижтимоий ва сиёсий самараларга эришиш мумкин. Бунда мазкур тармоқда замонавий техника ва технологияларнинг кириб келиши ишлаб чиқариш даражасини оширади, меҳнатга лаёқатли аҳоли иш ўринлари билан таъминланади, ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг сифати яхшиланади, бошқарувнинг илғор усуллари ўзлаштирилади, солиқлар, ижара хаки ва бошқа тўловлар билан бир каторда давлат бюджети даромадларининг ҳамда мамлакат экспорт салоҳияти ошиши туфайли валюта тушумининг кескин кўпайишига эришилади.

Иккинчидан, хорижий ва ички инвестицияларни саноат тармоғига жалб этишни кенгайтириш киска вақт ичида хусусий мулкчиликнинг турли шакллари ривожланишига кўмаклашади, Ўзбекистоннинг халқаро бозорга юқори сифатли, рақобатбардош саноат корхоналари маҳсулотларини олиб чиқишини ва у ерда ўз ўрнига эга бўлишини таъминлайди. Оқибатда, саноат тармоғининг республикаимиз иқтисодиёти барқарор ўсишига кўшаётган улуши ошиб боради.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида эса нарх ва сифат орқали рақобат ҳосил қилинади. Саноат маҳсулотлари таннархидаги ҳаражатларнинг асосий қисмини хом-ашё ва ёрдамчи материаллар ташкил этиши инобатга олиниб, масалага ойдинлик киритилади.

Бозор иқтисодиёти шароитида саноат тармоғи корхоналарининг барқарор ривожланиши ва мазкур соҳада инвестицияларни бошқаришни такомиллаштириш учун тармокни қайси кўринишдаги маҳаллий маблағлар асосида молиялаштириш мумкинлигини аниқлаштириш талаб этилади. Саноат корхоналари инвестиция фаолиятини олиб боришда инвестиция ресурсларининг таркиби муҳим аҳамият касб этади. Инвесторлар инвестиция ресурсларини ўз иқтисодий ва тадбиркорлик қобилияти ҳамда имкониятидан келиб чиқиб танлайдилар.

Олиб борилган тизимли ишлар ва оқилона инвестиция сиёсати туфайли ўтган йилларда ўнлаб замонавий корхоналар ишга тушурилди. Хусусан,

Женерал Моторс Павертрейн Ўзбекистон кўшма корхонасида юкори технологиялар асосида автомобил генератори ва копрессорлари ишлаб чиқариш бўйича кувватлар барпо этилди, энергияни тежайдиган лампалар ишлаб чиқариш бўйича учта лойиха амалга оширилди.

Шулар каторида Зенит электроникс кўшма корхонасида “Самсунг” кир ювиш машиналари ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Айна пайтда маиший газ плиталари, кондитсионерлар, электр пилесослар ва бир канча бошка махсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. “Муборак газни кайта ишлаш заводи унитар шўба корхонасида суюлтирилган газ ишлаб чиқариш хажмини қўпайтириш мақсадида пропан-бутан аралашмаси курилмасининг биринчи навбатини, Самарканд вилоятида МАН юк ташиш машиналари ишлаб чиқариш бўйича янги мажмуанинг дилерлик марказини бунёд этиш ишлари якунига етказилди.

Навоий шаҳридаги эркин индустриал-иктисодий зона муваффакиятли фаолият юрита бошлади, унинг худудида янги ташкил этилган корхоналарда спидометрлар, автомобиллар учун ўтгазгичлар, компрессорлар, ракамли телевизион тюнерлар, энергияни тежайдиган лампалар, ёритиш ускуналари, диодли лампалар, модемлар, полиетилен ва пропилен кувурлар, косметика воситалари ҳамда тиббиёт махсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Амалга оширилган кенг камровли ишлар натижаси ўларок, 2016 йилда ва ундан кейинги йилларда озик-овкат саноатини ривожлантириш ва кишлок хўжалиги махсулотларини саклаш, кайта ишлаш, уларнинг истеъмолчиларга талофатларсиз етиб боришини таъминлаш борасида хўжалик юритувчи субъектларга ташкилий-хукукий, ижтимоий-иктисодий тадбирлар, турли хилдаги имтиёз ва преференсиялар такдим этилди. Хусусан, Навоий вилояти «Навоий» эркин индустриал-иктисодий зонасида 3 минг тонна сиғимга эга бўлган, замонавий усулда газ мухитини бошкариб борадиган (РГС) совутиш камералари ташкил этилди ва бунинг учун лойиха киймати 8,3 миллиард сўмга тенг бўлган маблағ ўзлаштирилди;

Тошкент вилояти Паркент туманидаги «Паркент-Грейп» МЧЖ негизида лойиха киймати 377,5 миллион сўм бўлган, 500 тонна сиғимига эга совутиш камераси барпо этилди.

Кашкадарё вилояти Китоб туманида «Севаз-Андроникс» МЧЖ қошида 1000 тонна сиғимга эга бўлган совутиш камераси барпо этилди. Лойиха киймати: 500 миллион сўм, лойиха иштирокчилари: «Ўзмарказимпекс» ДАТСК, «Севаз-Андроникс» МЧЖ.

Ўзбекистон иктисодиётини модернизация қилишнинг ҳозирги босқичида инвестицион фаолиятини амалга ошириш механизмларини янада такомиллаштириш талаб этилмоқда. Инвестиция бозорини шакллантириш инвестиция ресурсларини тўплаш, жамғармаларни инвестицияларга айлантириш, улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш муаммоларини ҳал этишнинг зарурий шарти ҳисобланади.

Хусусан, “450 МВт қувватли икки буғ станцияси қуриш орқали Толимаржон ИЕСни кенгайтириш”, “Ангрэн ИЕСда теплофикация танлов билан юқори қулли қўмирни ёқиш учун 130-150 МВт қувватли энергоблок қуриш”, “Сиқув компрессор станциясини қуриш орқали Шарқий Бердақ ва Шимолий Бердақ қонлари қўшимча инфратузилмасини ривожлантириш”, “Жиззах вилоятидаги семент заводини кенгайтириш”, “Мис эритиш заводида янги эритув печини қуриш”, “Қалмоққир қонининг балансдан ташқари рудаларини ишлаб чиқаришга жалб қилиш”, АЖ “ДжиЕм Ўзбекистон”да “Енгил автомобилларнинг “Т-250” моделини ишлаб чиқаришни ташкил этиш”, “Ангрэн-Поп электрлаштирилган темир йўлини қуриш”, “Ўзбекистон ҳаво йўллари” МАК ҳаво кемалари паркинни янгилаш (2 та янги Боеинг-787 Дреамлинер самалётларини олиб қелиш)”, “Индорама Қўқон текстил” ХК МЧЖда ип йигирув ишлаб чиқаришни ташкил этиш (ИБ босқичи)” ва “Андижон вилоятидаги “Фантекс” МЧЖда ип йигирув ишлаб чиқаришни ташкил этиш”, “Мейлисой” қонини қурилиши” ва “Сирдарё вилоятидаги “Гулистон Мед Техника” МЧЖ ҚҚда бир марта фойдаланиш учун

стерилланган шпритслар ишлаб чикаришни ташкил этиш”, “Жиззах пластмасса” АЖда полиэтилен плёнкаларини ва трубаларни ишлаб чикаришни ташкил этиш”, “Жиззах” ЭИЗида шиша толасидан иссиқлик изоляциясини таъминлайдиган махсулотларни ва кенг ассортиментдаги электротехник махсулотларни ишлаб чикаришни ташкил этиш” ва бошқалар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 25 декабрдаги ПП-2458 - сонли Қарори билан “2016 йилги Давлат Инвестиция дастури” тасдиқланган бўлиб, жорий йилда Аниқ манзилли рўйхатдаги 154 та йирик ва устувор аҳамиятга эга лойиҳалар доирасида 4,0 млрд.долл.дан зиёд хорижий инвестициялар ва кредитлар ўзлаштирилиши кўзда тутилган.

Ушбу инвестиция дастурининг манзилли қисмига асосан нефтегаз, қимё, текистил, фармасевтика саноати, шунингдек, ичимлик суви сифатини яхшилаш, эрларни мелиоратив ҳолатини яхшилаш, соғлиқни сақлаш, таълим, автомобил йўллари қуриш каби йўналишларида янги юқори технологик ишлаб чикариш йирик ва стратегик муҳим инвестициявий лойиҳаларни амалга ошириш кўзда тутилган эди.

2016-йилда иқтисодиётга 16,6 миллиард АҚШ доллари миқдорида ёки 2015-йилга нисбатан 9,6 фоизга кўп инвестициялар йўналтирилди. Ўзлаштирилган хорижий инвестициялар ва кредитлар ҳажми 11,3 фоизга ўсди ва 3,7 миллиард доллардан ошиб кетди. Умумий қиймати 5,2 миллиард доллар бўлган 164 та йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш яқунланди. Шу жумладан, “ЖМ Ўзбекистон” аксиядорлик жамиятида “Т-250” моделдаги енгил автомобилларни ишлаб чикариш ўзлаштирилди, Жиззах вилоятида семент заводи қенгайтирилди, Толимаржон иссиқлик энергия стансиясида қуввати 900 МВт бўлган буғ-газ қурилмалари ҳамда Ангрен иссиқлик энергия стансиясида қуввати 150 МВт бўлган юқори қулли қўмирни ёқувчи энергия блоқи ишга туширилди.

Фарғона водийси вилоятларини мамлакатнинг бошқа ҳудудлари билан боғлайдиган, Қамчиқ тоғли довони орқали ўтувчи 19 километрлик ноёб

туннелга эга бўлган электрлаштирилган янги Ангрен - Поп темир йўл линияси курилди. Тошкент - Бухоро маршрути ва карама-карши йўналиш бўйича юкори тезланишли “Афросиёб” йўловчи ташувчи электропоездлар харакати ташкил этилди.

Жиззах вилоятида 2016-йилнинг тўккиз ойида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш учун тижорат банклари томонидан 372,9 миллиард сўм, жумладан, саноат соҳасини ривожлантириш учун 64,2 миллиард сўм кредит маблағлари ажратилди. Жиззах шаҳридаги “Жаннати бибихоним” тикувчилик корхонаси “Асакабанк”нинг 125 миллион сўмлик кредит маблағи эвазига фаолиятини кенгайтирди. Корхонага хориждан замонавий дастгоҳлар келтириб ўрнатилди. Янги тсех ишга туширилиши билан корхонада махсулот тури яна тўрттага кўпайди. Ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳисобидан 2016-йилнинг тўккиз ойида буюртмачиларга 257 миллион сўмлик кийим-кечак ва кўрпа-тўшак махсулотлари етказиб берилди. Ўзбекистон республикаси президентимиз Ш.М. Мирзиёевнинг 2016-йил 5-октабрдаги “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони фаолиятни янада ривожлантиришда муҳим омил бўлмокда.

ХУЛОСА

Хулоса килиб шуни таъкидлаш мумкинки, Ўзбекистон Республикасида инвестиция бозорини самарали ташкил этиш шарт-шароитларини, инвестиция бозорини самарадорлигини оширишнинг хориж тажрибаларини ўрганиш асосида инвестиция бозорини макбул даражада ташкил этиш оркали баркарор иктисодий ўсиш суръатларини таъминлашга қаратилган ташкилий, ҳукукий, иктисодий ва молиявий масалалар Ўзбекистонда амалга оширилган иктисодий ислохотлар натижасида қулай инвестиция мухити шакллантирилди, яъни қулай инвестиция мухитини шаклланишида иктисодий ривожланишнинг баркарор суръатларига эришилаётганлиги ва бозор институтларининг мавжудлиги ҳамда энг аввало, мустаҳкам қонунчилик базаси, ривожланган банк-кредит ва инвестициялашни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш каби чора-тадбирлар тизимлари яратилганлиги сабаб бўлмоқда.

Инвестиция бозори - инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш учун замин яратиб беради, бу бозор инвестиция товарлари, қурилиш материалларининг барча турлари, ишлаб чиқариш фондларининг актив қисми, инвестиция хизматларидан иборат. Асосий элементлари талаб ва тақлиф рақобат ва баҳолардан ташкил топган.

Саноат қорхоналарини инвестиция фаолиятини молиялаштиришни такомиллаштиришда инвестиция ва инвестиция фаолиятини ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиш зарур. Ички ва тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни саноат қорхоналарига жалб этиш ва уларни инвестицион фаолиятини молиялаштиришни такомиллаштириш оркали келгусида ушбу тармокни модернизация қилиш ҳамда ривожлантириш стратегиясини асослаш ва экспортга маҳсулотлар ишлаб чиқариш қўламини кенгайтиришда фойдаланиш мумкин.

Маҳаллий инвестицияларни жалб килиш орқали саноат тармоғи корхоналари инвестицион фаолиятини ривожлантириш йўллари, муаммоларини ўрганиш юзасидан қуйидагиларни таъкидлаш мумкин: саноатдаги корхоналарида акция ва облигацияларни муомалага чиқариш орқали уларни инвестицион фаолиятни молиялаштиришда қўшимча маблағлар таркибини кенгайтириш лозим.

Саноат тармоғи корхоналарида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳажми ҳам йилдан-йилга ошиб бормокда. Бунга сабаб, жалб қилинаётган инвестициялар туфайли корхоналарнинг техник базаси янгиланаётганини, ишлаб чиқариш қувватларини ошиётганини кўрсатиш мумкин. Саноат тармоғи корхоналарини имкониятларини ҳисобга олиб ҳамда мамлакатнинг яқин келажакдаги ривожланиш стратегиясига асосланиб таъкидлаш мумкинки, тармок корхоналари келгуси даврда янада ўсишга эришади ва иқтисодийетимизнинг етакчи тармоғи бўлиб қолади. Шу боис ҳам мазкур тармок корхоналарини инвестицион фаолиятини молиялаштиришни яхшилаш масаласи муҳим вазифа бўлиб қолади. Маълумки, инвестицион фаолиятдаги капитал қурилиш ва техник қайта жиҳозлаш тадбирлари учун кредитлар керак. Бу жараёнда республикада инвестицион фаолиятни жадаллаштиришда тижорат банклари алоҳида ўрин тутди. Шу нуқтаи-назардан, саноат корхоналарини инвестиция фаолиятини молиялаштириш учун тижорат банклари кредитларидан ҳам фойдаланиш керак.

Саноат корхоналарини барпо этиш ва ишлаб чиқаришини ташкил этиш учун қишлоқ жойларда барча шарт-шароитлар (ер, сув ва хом-ашё) етарли. Шунинг учун саноат корхоналарини қишлоқ жойларда барпо этиш ва у ерда қайта ишлаб чиқаришни ривожлантириш зарур. Бунинг учун инвестицияларни қишлоқ жойларга жалб этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Саноат корхоналари инвестицион фаолиятини молиялаштириш тизимида юз бераётган ўзгаришлар турли халқаро инвестициялар иштирокининг кенгайиши ва молиялаштириш тизимида мамлакат

резидентлари ва норезидентларининг кўшилиши муносабати билан турли таваккалчиликлар, жумладан сиёсий, валюта ва бошқалар доирасини кенгайтирмоқда.

Саноат корхоналарини инвестицион фаолиятини молиялаштиришда халқаро лизингнинг ривожланиши, чет эл инвестициялари ҳамда кредит линиялари инвестиция фаолиятини молиялаштириш тизимида чет эл инвестициялари ва қарзларига хос қўшимча таваккалчиликларни қўпайтиради. Ўзбекистонда инвестиция фаолиятини тартибга солиш, биринчи навбатда, барча хўжалик юритиш босқичларида жамғармалар ўсиш суръатларини рағбатлантириш ва истеъмол даражасини пасайтиришга йўналтирилган бўлиши керак. Инвестиция фаолиятини тартибга солиш тизими доирасида соликларнинг рағбатлантирувчи функцияларини кучайтириш инвестицияларни молиялаштиришда бозор механизмлари ролини кенгайтиришга олиб келади. Республикада саноат корхоналари инвестиция фаолиятини бошқариш ва тартибга солиш ишлаб чиқариш технологияларини сотиб олиш, глобал илмларни эгаллаш, соликларнинг тартибловчи ролини такомиллаштириш, уларнинг рағбатлантирувчилик ролини кучайтиришга қаратилиши лозим.

Иқтисодийни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш масалалари мамлакатимиз биринчи президенти И.А.Каримовнинг диққат марказида бўлганлиги туфайли чет эл инвесторларига янада қулай инвестиция муҳитини яратиш мақсадида рағбатлантириш тизимини янада такомиллаштириш, хусусан, солиқ имтиёзларидан кенгрок фойдаланиш имкониятлари яратди.

Глобаллашиш кучайиши туфайли бутун дунё бўйлаб қисқа муддатларда капитал, ишлаб чиқариш, товарлар, интеллектуал салоҳият, меҳнат ресурслари, ахборотлар ва бошқаларнинг қўчиш жараёни жадаллашади. Шунинг учун ҳам, инвестиция сиёсатини юритишда бу вазиятларни ҳисобга олиш зарур бўлади.

Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг Ўзбекистонга кириб келиши, киска вақт ичида, мулкчиликнинг турли шакллари ташкил топишига кўмаклашди, Ўзбекистон иктисодиётида таркибий қайта қуришни, нуфузли тармоқларни барпо этилишини таъминлади. Энг муҳими, Ўзбекистон иктисодиётининг байналминаллашишини ва Ўзбекистоннинг халқаро бозорга ўз маҳсулотларини олиб чиқишини ва у ерда ўз ўрнига эга бўлишини таъминлайди. Бунинг оқибатида экспорт ҳажмининг ўсиши ва республикамизнинг тўлов баланси тобора ижобийлашишига эришилади.

Мамлакатимиз иктисодиётини модернизациялаш шароитида ҳудудларда инвестицияларни самарали бошқаришнинг долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Шу сабабли ҳам, ҳудудлар иктисодиётига инвестицияларни йўналтиришда илмий асосланган ҳолда иш тутиш, капитал сармояларнинг қайтишини жадаллаштириш, инвестиция лойиҳаларининг ижтимоий-иктисодий самарадорлик жиҳатларига эътибор қаратиш ҳамда инвестиция маблағларининг тармоқ ва соҳа тақсимотига оид илмий тадқиқотлар олиб бориш муҳимдир.

Инвестицияларни бошқариш жараёни мураккаб бўлиб, бунда барча омилларни ҳисобга олиш лозим. Ҳудудларда инвестиция ресурсларини шакллантириш стратегиясини ишлаб чиқиш корхона ва фирмаларнинг нафакат инвестицион фаолиятининг унсури балки, энг муҳим молиявий стратегиясининг унсури ҳам ҳисобланади. У белгиланган ҳажмдаги инвестиция фаолиятини узлуксиз равишда рағбатлантиришни таъминлайди ҳамда шахсий молиявий воситалардан энг самаралисидан фойдаланади ва узок муддатли даврда истикболда ҳудуддаги корхона ва фирмаларнинг молиявий барқарорлигини оширади.

Инвестицион фаолиятни шакллантириш мақсадида капиталнинг кўшимча ўсиш суръатларини таъминлашга, инвестицияларни даромадлилик даражасини ўсишига, молиявий инвестициялаш ва технологик ўзгаришларга, капитал қўйилмалар тузилишининг қайта ишлаб чиқилишига ҳамда пировард

натижада ҳудудда иктисодий ўсишга, аҳолининг турмуш даражасининг ошишига эришилади.

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш лозимки, мамлакатимиз иктисодиётини модернизациялаш шароитида ҳудудларда ва корхоналарда инвестицияларни самарали бошқариш бугунги кунда муҳим аҳамият касб этади. Юқорида инвестицияларни бошқариш механизми назарий жиҳатдан кўриб чиқилди, бу эса инвестицияларни бошқаришнинг мақсади ва асосий вазифаларини амалга оширишда муҳим ўринга эгадир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Ўзбекистон Республикаси Қонунлари:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонуни. Т.: 24.12.1998.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги Қонуни. Т.: 30.04.1998.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Чет эл инвесторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш чора-тадбирлари ва унинг қаролатлари тўғрисида”ги Қонуни. Т.: 30.04.1998.

Ўзбекистон Республикаси Президенти қармонлари ва Вазирлар

Мақкамасининг қарорлари:

4. Ш.М.Мирзиёев «Танқидий таҳлил, қатъий тартиб интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг қундалиқ қондаси бўлиши керак» Ўзбекистон республикаси президенти Ш.М.Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш қунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Мақкамиса мажлисидаги маърузаси. Ҳалқ сўзи. 2017 йил 16 январь
5. “Ўзбекистон Республикасининг 2012-йилга мўлжалланган инвестиция дастури тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011-йил 27-декабрдаги 1668-сонли Қарори.
6. “Ўзбекистон Республикасининг 2011-йилга мўлжалланган инвестиция дастури тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010-йил 29-декабрдаги 1455-сонли Қарори.
7. “2011-2015-йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010-йил 15-декабрдаги 1442-сонли Қарори.

8. “2009-2014-йилларда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техникавий ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича энг муҳим лойиҳаларни амалга ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисидаги” Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009-йил 12-мартдаги 1072-сонли Қарори.
9. “Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012-йил 10-апрелдаги 4434-сонли Фармони.
10. “Ташқи иқтисодий ва савдо алоқалари, хорижий инвестицияларни жалб этиш соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005-йил 21-июлдаги 3631-сонли Фармони.
11. “Хорижий сармоя иштирокидаги корхоналар томонидан тайёр истеъмол моллари ишлаб чиқаришни кўпайтиришни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003-йил 20-июндаги Фармони.
12. “Ўзбекистон иқтисодиётида хусусий секторнинг улуши ва аҳамиятини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003-йил 24-январдаги Фармони
13. “Йирик саноат корхоналари билан касаначиликнинг ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооператсияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006-йил 5-январдаги 3706-сонли Фармони.
14. “Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008-йил 28-ноябрдаги 4058-сонли Фармони.
15. “2012-2015 йилларда ноозик-овкат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш ва турларини кенгайтириш бўйича қўшимча чора-

тадбирлар тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012-йил 2-августдаги 234-сонли Қарори.

**Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Қаримов асарлари
ва маърузалари:**

16. Қаримов И.А. “Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислохотларни, иқтисодийтимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир” Ўзбекистон республикаси президенти Ислон Қаримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамиси мажлисидаги маърузаси

17. Қаримов И.А.: “Барча режа ва дастурлаимиз Ватанимиз тараккиётини юксалтириш, халкимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади”. Т.: “Ўзбекистон”. 2011.

18. Қаримов И.А.: “Асосий вазифамиз - ватанимиз тараккиёти ва халкимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир”. Т.: “Ўзбекистон”. 2010.

19. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Қаримовнинг 2008-йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009-йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамиси мажлисидаги “Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш - давр талаби” мавзудаги маърузаси. 2009-йил 14-феврал.

20. Қаримов И.А.: “Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш - барча ислохот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир”. Т.: “Ўзбекистон”, 2008.

21. Қаримов И.А.: “Ўзбекистон мустақиллика эришиш остонасида”. Т.: “Ўзбекистон”, 2012.

Асосий адабиётлар:

22. Ғозибеков Д.Ғ., “Инвестицияларни молиялаштириш масалалари”. - Т.: “Молия”, 2003
23. Вахобов А.В., Хажибакиев Ш.Х., Мўминов Н.Г.: “Хорижий инвестициялар”, Ўқув қўлланма. - Т.: “Молия”, 2010.
24. Имомов Х.Х.: Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш”, ўқув қўлланма. - Т.: “Иқтисод-молия”, 2010.
25. Ангелиди М.С., Каримов Н.Г.: “Инвестицияларни лойихавий молиялаштириш тизимида синдикат асосида кредитлаштириш (Саволлар ва жавоблар)”. - Т.: “Иқтисод-молия”, 2005.
26. Жўраев А.С., Хўжамкулов Д.Й., Маматов Б.С.: “Инвестиция лойихалари тахлили”. Олий ўқув муассасалари учун ўқув қўлланма. - Т.: “Шарк”, 2003.
27. Нуриддинов С.А., “Ўзбекистон иқтисодиётининг нодавлат секторида инвестицияларни молиялаш”. Ўқув қўлланма. - Т.: “Иқтисод-молия”, 2000.
28. Каримов Н.Ғ.: “Ўзбекистон Республикасида инвестицион лойихаларни молиялаштириш амалиётини такомиллаштириш йўллари”. Монография. - Т.: “Фан ва технология”, 2007.
29. Ергашева Ш., Узоков А.: “Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш”. Ўқув қўлланма. - Т.: “Иқтисодиёт”, 2009.
30. Ғозибеков Д.Х.: “Инвестицияларни молиялаштириш масалалари”. - Т.: “Молия”, 2003.
31. Тошов О.: “Инвестицион фаолиятни молиялаштириш”. - Т.: “Академнашр”, 2012.
32. Махмудов Н.М, Маджидов Ш.А.: “Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш”. Ўқув қўлланма. - Т.: ТДИУ, 2010.

Кўшимча адабиётлар:

33. Носиров Э.И., Маматов Б.С, Шоисломов Н.К, Шарифходжаева К.У. "Инвестиция рискларини бошқариш". Ўқув кўлланма. - Т.: "Фан ва технология", 2011.
34. Вахобов А., Жумаев Н., Бурханов У.: "Халқаро молия муносабатлари". -Т.: "Шарк", 2003.

Диссертация ва авторефератлар:

35. Кўзиева Н.Р.: "Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолиятини рағбатлантиришнинг молия-кредит механизминини такомиллаштириш йўналишлари". Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. - Т.: БМА , 2008.
36. Умарова Г.Ғ.: "Энгил саноат тармоғида инвестицияларни бошқаришни такомиллаштириш йўллари". Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. - Т.: ТДИУ, 2011.
37. Хидиров Н.Ғ.: "Иқтисодийётни модернизациялаш шароитида Ўзбекистонда чет эл инвестицияларини солиқ механизми орқали тартибга солиш йўналишлари". Бакалавр даражасини олиш учун ёзилган битирув малакавий иши. - Т.: ТМИ , 2011.

Даврий нашрлар, статистик тўпламлар ва ҳисоботлар:

38. Сиддиқов А.: "Саноат ишлаб чиқаришига йўналтирилган инвестиция маблағлари самарадорлиги". "Бозор, пул ва кредит". - Т.: 2004, 7-8-сон.
39. Каримов Д., Махмудова Х., Кодиров С.: "Енгил саноатга хорижий инвестициялар". "Бозор, пул ва кредит". - Т.: 2000, 5-сон.
40. Кўзиева Н.М.: "Инвестицияларни молиялаштиришнинг асосий манбалари ва уларни такомиллаштириш масалалари". "Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси". - Т.: 2003, 11-12-сон.
41. Маматов М.: "Миллий иқтисодийётга хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг назарий асослари". "Иқтисодийёт ва таълим". - Т.: 2011, 4-сон.

42. Султонов А.: “Саноатда диверсификациялашни бошқариш: ташкилий-иқтисодий механизмлар”. “Бозор, пул ва кредит”. - Т.: 2013, 3-сон.
43. Хидиров Н.Ғ.: “Инвестицион муҳитни шакллантиришда инвестицион сиёсатнинг аҳамияти”. “Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқаларининг концептуал асослари ва ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлари” Республика олий ўқув юртлараро илмий-амалий ажуман материаллари. - Т.: 2013.
44. Хидиров Н.Ғ.: “Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида Ўзбекистонда чет эл инвестицияларини солиқ механизми орқали тартибга солиш йўналишлари”. “Ўзбекистон Республикаси минтақаларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда молиявий сиёсатнинг ўрни” мавзусидаги турдош олий ўқув юртлараро илмий-амалий конференция материаллари. - Т.: 2013.
45. Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитасининг йиллик ҳисоботлари (2000-2016). - Т.: 2017.

Интернет сайтлари

46. www.stat.uz (Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси)
47. www.mf.uz (Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги)
48. www.lex.uz (Ўзбекистон Республикаси меъёрий – ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами портали)
49. www.gov.uz. (Ўзбекистон республикаси ҳукумат портали)

**Гулистон давлат университети «Ижтимоий-иқтисодий» факультети 4-босқич
талабаси Абдурахмонов Ғофуржоннинг «5230100-иқтисодиёт» таълим йўналиши
бўйича бакалавр даражасини олиш учун «Инвестиция бозорини баҳолаш ва
башоратлаш
(енгил саноат тармоғи мисолида)» мавзусида бажарилган битирув малакавий
ишига**

РАҲБАР ХУЛОСАСИ

Ўзбекистонда бозор иқтисодиётининг шаклланиши иқтисодий ўсишининг бир қатор макроиқтисодий омилларини кескин даражада кучайтирилишини тақозо этади. Бу соҳада руй бераётган жараёнлар воқеаларнинг шиддатли алмашинуви билан изоҳланади. Мамлакатнинг иқтисодий ўсишини қўллаб-қувватлаш ва жадаллаштиришда хал қилувчи ролни ишлаб чиқариш инвестициялари ўйнаши керак.

Фақат инвестициялар базасидагина асосий капитални янгилаш ҳамда шу асосда ишлаб чиқариш харажатларини камайитириш ва сифатини яхшилаш эвазига маҳсулотнинг рақобатбардошлигини ошириш мумкин. Бирок бу ҳозирги юксак даражада интеграциялашган хўжалик шароитида давлатнинг мувофиқлаштирувчи роли объектив равишда анча салмоқли бўлиб қолмоқда. Шу муносабат билан инвестиция соҳасига давлатнинг фаол аралашувига яқин йиллар мобайнидаги макроиқтисодий сиёсатнинг таркибий қисми сифатида қарамоқ даркор.

Бозор муносабатларига ўтишнинг Ўзбекистон томонидан танлаб олинган йули ўзига хос алоҳида хусусиятларга эга бўлиб, бунда хал қилувчи ролни давлат ўйнайди. Бундай ўзига хослик мамлакатимиз Биринчи Президенти И.А.Каримов томонидан ишлаб чиқилган иқтисодий ислохотларни утказишнинг бешта тамойилида акс этгандир. Мана шу тамойиллардан бирида таъкидланишича, “Мураккаб ўтиш даврида давлатнинг ўзи бош ислохотчи бўлиши зарур. Давлат бутун халқнинг манфаатдорлигини кузлаб, ислохотлар жараёнининг ташаббускори бўлиши иқтисодий тараққиётнинг етакчи йўналишларини белгилаши, иқтисодиётда, ижтимоий соҳада ва суверен давлатимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида туб узгаришларни амалга ошириш сиёсатини ишлаб чиқиши ва изчил руёбга чиқариши керак”⁵.

Иқтисодиётнинг эркинлашуви шароитида хўжалик субъектлари тараққиётининг ҳолати, аҳамияти ва истикболлари молиявий ресурсларни жалб этиш хусусиятларини, молиялаштириш шакллари ва услубларини, молиявий режалаштириш ва тахминлар тузишни, корхона молиявий фаолияти ва инвестицион жараён таҳлилини ва том маънода корхонанинг инвестицион маблағлари бюджетини ўрганиш билан боғлиқ қатор янги муаммоларни келтириб чиқарди. Инвестицион бозорни баҳолаш орқали мамлакатимиз енгил саноат тармоғига инвестицияларни жалб этишни прогнозлашнинг ўзига хос йўналишларини тадқиқ этиш ушбу битирув малакавий ишнинг бош мақсади ҳисобланади.

Битирув малакавий иши кириш қисми, икки боб, олтита параграф, хулоса ва тавсиялар ҳамда адабиётлар рўйхатидан иборат.

Кириш қисмида муаллиф ишнинг долзарблиги, мақсад ва вазифалари, ишнинг янгилиги ва амалий аҳамиятини тушунарли қилиб баён қилган.

Биринчи боб “Инвестиция бозорини баҳолаш ва башоратлашнинг назарий ва методологик асослари” деб номланган бўлиб, инвестицион бозорни баҳолаш ва башорат қилиш асослари, инвестицион фаолиятни молиялаштириш ҳамда инвестициянинг иқтисодий самарадорлигини баҳолашнинг иқтисодий-методологик муаммолари ёритилган.

⁵ Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. - Т.: «Ўзбекистон», 1995.

Иккинчи боб “Миллий иқтисодиёт саноат тармоқларида инвестиция бозорини баҳолаш ва башоратлашни такомиллаштириш йўналишлари” деб номланган бўлиб, унда миллий иқтисодиёт саноат тармоқлари инвестицияни фаолиятнинг ҳозирги аҳоли таҳлили, ҳудудлардаги инвестицион фаолиятни баҳолаш масалалари ҳамда минтакаларда саноат корхоналарига инвестицияни жалб қилишни баҳолаш ва такомиллаштириш йўналишлари ёритиб берилган.

Ишнинг хулоса қисмида юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда мамлакатимиз енгил саноат тармоқларида инвестицияларни баҳолаш ва башоратлашни такомиллаштириш бўйича тавсия ва таклифлар берилган.

БМИ бажариш давомида тадқиқотчи томонидан статистик, график, таққослаш таҳлили, таҳлил ва синтез усуллари билан бир қаторда даврий матбуот, давлат статистика қўмитасининг маълумотларидан фойдаланилган.

Шунга қарамасдан ишда баъзи бир камчиликлар ҳам учрайди. Масалан, диаграммалар кам, орфографик хатолар бор. Юқоридаги камчиликлар ишнинг умумий қийматини туширмайди. Абдурахмонов Гофуржон ўз ишини юксак савияда бажарганлиги, битирув малакавий ишнинг амалдаги Низом талабларига тўла жавоб беради деб ҳисоблайман ва уни давлат аттестация комиссиясига ҳимояга тавсия қиламан.

**«Иқтисодиёт» кафедраси
ўқитувчиси:**

Шоев А.Х.

**Гулистон давлат университети «Ижтимоий-иқтисодий» факультети 4-босқич
талабаси Абдурахмонов Гофуржоннинг «5230100-иқтисодиёт» таълим йўналиши
бўйича бакалавр даражасини олиш учун «Инвестиция бозорини баҳолаш ва
башоратлаш
(енгил саноат тармоғи мисолида)» мавзусида бажарилган битирув малакавий
ишига**

ТАҚРИЗ

Ўзбекистоннинг ўз олдига қўйган узоқ муддатли стратегик мақсади замонавий ривожланган демократик давлатлар қаторига кириш, иқтисодиётнинг барқарор ўсишини таъминлаш, ҳаёт сифатини яхшилаш ва жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашдир. Бу мақсадга эришиш йўлида инвестиция бозоридан самарали фойдаланиш муҳим роль ўйнайди. Инвестицияни молиялаштириш асосан мамлакатдаги иқтисодий сиёсат, қонунчилик, инвестицияни жалб қилиш инфратузилмасини ривож, даражаси ва мамлакатнинг иқтисодий аҳволига боғлиқ бўлади.

Инвестиция фаолиятини ривож учун мазкур омилларни илмий таҳлил қилиш лозим бўлади. Бу таҳлил маблағлар йўналишининг энг мақбул усулини танлаш ва келажакда ҳар бир ҳудудга мос келадиган инвестиция сиёсатини белгилаш имкониятини беради. Иқтисодий ўсишга эришишда нафақатинвестиция ҳажмини кўпайтириш, балки улар йўналишлари ва тузилмаларини тўғри танлаш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Инвестициялаш учун шундай ишлаб чиқариш турлари ва корхоналарни танлаш лозимки, улар тезда ўзини қоплаб, юқори даражада иқтисодий ва технологик самара бера олишлари керак.

Инвестиция фаолиятини самарали ташкил этиш ва молиялаштиришда ҳали ҳал қилиниши зарур бўлган қатор вазифалар борки, улар мавжуд қонун ва меъёрий ҳужжатлардан тўғри фойдаланадиган, ва умуман инвестициялардан самарали фойдаланиш бўйича кадрларни тайёрлаш улар малакасини мунтазам оширишни талаб қилмоқда.

Иқтисодиётни эркинлаштириш босқичида иқтисодий ўсишни жадаллаштириш учун инвестиция ҳажмини кескин кўпайтириш лозим бўлади. Ҳозирги босқичда маблағлар етишмовчилигини ҳисобга олиб, нодавлат инвестиция манбаларини топиш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадга мувофиқ бўлади

Жаҳоннинг инвестиция бозорида шаклланган вазиятдан келиб чиққан ҳолда миллий иқтисодиёт енгил санот тармоғига инвестицияларни жалб этишни баҳолаш ва прогнозлашнинг услубиятини ишлаб чиқиш мазкур битирув малакавий ишнинг бош мақсади ҳисобланади.

Битирув малакавий иши кириш қисми, икки боб, олти параграф, хулоса ва тавсиялар ҳамда адабиётлар рўйхатидан иборат.

Кириш қисмида муаллиф ишнинг долзарблиги, мақсад ва вазифалари, ишнинг янгилиги ва амалий аҳамиятини тушунарли қилиб баён қилган.

Биринчи боб “Инвестиция бозорини баҳолаш ва башоратлашнинг назарий ва методологик асослари” деб номланган бўлиб, инвестицион бозорни баҳолаш ва башорат қилиш асослари, инвестицион фаолиятни молиялаштириш ҳамда инвестициянинг иқтисодий самарадорлигини баҳолашнинг иқтисодий-методологик муаммолари ёритилган.

Иккинчи боб “Миллий иқтисодиёт саноат тармоқларида инвестиция бозорини баҳолаш ва башоратлашни такомиллаштириш йўналишлари” деб номланган бўлиб, унда миллий иқтисодиёт саноат тармоқлари инвестицияни фаолиятнинг ҳозирги аҳоли тахлили, ҳудудлардаги инвестицион фаолиятни баҳолаш масалалари ҳамда минтакаларда саноат корхоналарига инвестицияни жалб қилишни баҳолаш ва такомиллаштириш йўналишлари ёритиб берилган.

Ишнинг хулоса қисмида юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда мамлакатимиз енгил саноат тармоқларида инвестицияларни баҳолаш ва башоратлашни такомиллаштириш бўйича тавсия ва таклифлар берилган.

БМИ бажариш давомида тадқиқотчи томонидан статистик, график, таққослаш таҳлили, таҳлил ва синтез усуллари билан бир қаторда даврий матбуот, давлат статистика қўмитасининг маълумотларидан фойдаланилган.

Шунга қарамасдан ишда баъзи бир камчиликлар ҳам учрайди. Масалан, диаграммалар кам, орфографик хатолар бор. Юқоридаги камчиликлар ишнинг умумий қийматини туширмайди. Абдурахмонов Ғофуржон ўз ишини юксак савияда бажарганлиги, битирув малакавий ишнинг амалдаги Низом талабларига тўла жавоб беради деб ҳисоблайман ва уни давлат аттестация комиссиясига ҳимояга тавсия қиламан.